

УЗОҚ ИСМОИЛОВ

# ҚУЁШ, МЕНИНГ ОНАМСАН

*Шеърлар*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2004

84(57)6-3

*Инсон ён-атрофга нисбатан лоқайд ва бефарқ бўлолмайди. Чунки ҳар лаҳзада кўриб, гувоҳи бўлиб турилган воқеа ва ҳодисалар, муомала-муносабат, табиат кўринишлари киши қалбига, онгига таъсир этади. Айниқса, шоирнинг юраги кўпроқ таъсирланади. Шоир бутун қалби билан дунёга ва инсонга бўлган қарашларини ўз шеърларида ифода этади.*

*Узоқ Исмоиловнинг «Қуёш, менинг онамсан» китоби ҳам зийрак, синчков нигоҳнинг ҳаётдан илганлари. Китоб ўқувчининг ҳаётга муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлайди.*


**Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи —  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Халқ шоири**

**Муаллиф ушбу китобнинг нашр этилишида кўрсатган  
кўмаги учун Аҳаджон ва Алишер Исмоиловларга самимий  
миннатдорчилик билдиради.**

Ю 30893  
292

ISBN 5-633-01635-1

© Узоқ Исмоилов. «Қуёш, менинг онамсан».  
«Янги аср авлоди» 2004 йил.



## КАМТАР ШОИР ВА КАМТАРОНА ШЕЪРЛАР

Шеърни ким эрмак, ким бўш вақтни ўтказиш воситаси, ким шунчаки кўнгилхушлик деб тушунади. Ҳатто кўндан шеър захматини тортиб келаётганлар орасида ҳам шундай фикрловчилар йўқ эмас.

Яна бир тоифа қаламкашлар бор, улар катта шоирликка ҳам, адабиёт оламида катта мартабаларга ҳам талабгорлик қилишмайди. Лекин сўз санъатини мўътабар, шеърни муқаддас билишади. Сўзга ана шундай чин ошиқлик, чин ихлос уларнинг шеърларини нурлантиради. Бундай шеърларда айрим паст-баланд жиҳатлар бўлиши мумкин, лекин бу паст-баландни покиза руҳ тўлдириб туради.

Мен Узоқ Исмоиловни ана шундай ижодкорлар, унинг шеърларини эса ана шундай шеърлар сирасига киритишни истайман. Негаки, у неча ўн йиллардан бери қўлидан қаламни ташламайди. Китоб чиқаришга ҳам ҳеч қачон шошилмаган. Бу даврда унинг ўзи ҳам неча бор ижодкор ва шахс сифатида ҳаёт синовларидан обдан ўтиб товланди. Ўн йиллар давомида неча бор ўқувчилар имтиҳонидан ўтган, шоирлар назарига тушган шеърларини жамлаб, китоб ҳолига келтирибди. Бу Узоқ Исмоиловнинг биринчи китоби. Китобда унинг олам ва одам, муҳаббат ва садоқат, яхиллик ва эзгулик, ёшлик ва кексалик, бақо ва фано ҳақидаги шеърлари ўрин олган.

Ўйлайманки, ушбу китобни ўқиган шеърхон шоирнинг шахси ва шеърларининг табиати ҳақида ёруғ тасаввурга эга бўлади. Назаримда, муҳими ҳам шу.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Халқ шоири

## ЛАЙЛОДА БЎЛМАС...

Сендек малак санам дунёда бўлмас,  
Дунё деманг қайда, рўёда бўлмас.

Ахтариб ҳам чиқманг етти фалакка,  
Сендан ўзи ортиқ зиёда бўлмас.

Мушки анбарларинг кўнгилни очар,  
Бундай бўйлар асло сабода бўлмас.

Олам ичра излаб чиқса агар ким,  
Сенга ўхшаш санам маъвода бўлмас.

Васлинг кўриб Ростий Мажнун бўлдим-ку,  
Бундай ҳусни жамол Лайлода бўлмас.

## ЙЎЛИНГИЗГА ИНТИЗОР

Йўлингизга интизор бўлганим-бўлган,  
Хаёлда эркалаб суйганим-суйган.

Тушда кўрган каби бепарво бўлиб,  
Хаёлим уфқда турганинг-турган.

Тонг чоғлари гўзал гуллар оралаб,  
Гулларга рост сўйлаб юрганинг-юрган.

Сени кўрдим ҳар дам гуллар ичида,  
Ширин хаёлларни сурганинг-сурган.

Ишонсанг, рост айтай сенга севгилим,  
Чин кўнгилдан меҳр қўйганим-қўйган.

Адо айлаб нечун Ростий қулингни,  
Арзин эшитмай лаб бурганинг-бурган.

## ЎЛТИРАЙ

Жонгинам, ёнингда бир дам ўлтирай,  
Бир дам не, соғиниб ҳар дам ўлтирай.  
Қаро кўз, қошинга термулиб тўймай,  
Яна ҳам яқинроқ ҳамдам ўлтирай.

Тенгсиз ой юзинга турай тўйгунча,  
Сўзлари асалим, лаблари гунча.  
Бахтимга омон бўл дунё тургунча,  
Офтоб жамолингни томоша этай.

Хаёлим ҳеч ёққа бузмайин-бузмай,  
Гўзалим, васлингдан кўзларим узмай.  
Боқайин юзинга еллар теккизмай,  
Ҳар қанча қадринга бир ўзим етай.

Кўзларинг қароғи жонимга роҳат,  
Сўзларинг қаймоғи онимга роҳат.  
Ростий дил сўроғи жонимга роҳат,  
Асал дудоғинга жонимни берай.

## ЛОЛА ЯНГЛИҒ ҚИРМИЗИНГГА

Лола янглиғ қирмизингга,  
Ошиқ бўлдим гул юзингга.  
Қалбимга чўғ ташлаб қўйдинг,  
Мафтун бўлдим дил сўзингга.

Гули раъно шўх паризод,  
Малаксиймо, қалди шамшод.  
Ҳаёт борки то умрбод,  
Қулинг бўлай бир ўзингга.

Тасаддуқдир бу жаҳонлар,  
Битга эмас мингга жонлар.  
Ошиқ-шайдо ер-осмонлар,  
Икки қаро ўт кўзингга.

Йўлларингиз ҳар кун кутай,  
Деди Ростий севиб ўтай.  
Йўлларингга гуллар сочай,  
Кўз тегмасин қолдузингга.

## КУЁШ, МЕНИНГ ОНАМСАН...

Ширин дамлар, он ҳам сан,  
Тирик жонга жон ҳам сан,  
Абад ўзинг барҳаёт,  
Куёш, менинг онамсан.  
Тафти меҳринг ёқасан,  
Ўзалликлар тақасан.  
Мавжудотни боқасан,  
Куёш, менинг онамсан.  
Муқим жойда турасан,  
Элни бир тенг кўрасан.  
Айш, даврон сурасан,  
Куёш менинг онамсан.  
Ўтли бағринг мавжи йўқ,  
Элдан сенга гина йўқ.  
Ростий сендан кўнгил тўқ,  
Куёш, менинг онамсан.

## НАВРЎЗ, СЕНИ СОҒИНДИМ

Қорлар эриб кетгунча,  
Дарёлар лим тўлгунча,  
Лолалар юз очгунча,  
Наврўз, сени соғиндим.

Муаттар бўй сочгунча,  
Кун-у тунлар кечгунча.  
Васлинг хумор этгунча,  
Наврўз, сени соғиндим.

Ёшлик пайтга ўхшари,  
Фаслларнинг дилбари.  
Дилбаримни кутгандай,  
Наврўз, сени соғиндим.

Ростий жондан севари,  
Наврўз, сени соғиндим.

## ТҶХТА, БОЛАМ...

Тўхта болам, шопшма болам,  
Болалигим ушлаб олай.  
Баҳорлигим сенда кўриб,  
Кўнгилгинам хушлаб олай.

Ҳай-ҳай болам, дилда нолам,  
Кувончларинг сизмас олам.  
Ҳайқир болам, ҳайқир болам,  
Етказмайин менга алам.

Олам асли шундай экан,  
Одам насли болам, деркан.  
Яйра болам сенга олам,  
Кўзларингга кўнмасин нам.

Тўхта болам, шопшма болам,  
Болалигим ушлаб олай.  
Баҳорлигим сенда кўриб,  
Кўнгилгинам хушлаб қолай.

## БИР ҚАРА

Оҳ, бу кўзинг бунча гўзал, қоп-қора,  
Наргизларнинг шайдосига бир қара.  
Кўрмакка зор ҳажрингга бир девона,  
Йўлларингга адосига бир қара.

Бир бошинг телба этар жаҳонни,  
Жаҳон аро гадосига бир қара.  
Оташингда қийналар неча диллар,  
Юрак, ишқинг савдосига бир қара.

Муҳаббатдан ярашгани бу дунё,  
Севги деган дунёсига бир қара.  
Гўзалларнинг гўзалисан, гўзалим,  
Узоқбойнинг Лайлюсига бир қара.

## ҚАНИ

Соғиндим, Гулжамол келсалар қани,  
Ишқида ёнганим билсалар қани.  
Ҳамдам бўлиб ҳар дам, нозик адолар,  
Гўзал бир табассум қилсалар қани.

Атрофда парвона тонги сабодай,  
Кўнглим гулзорида елсалар қани.  
Мужгонлар ўқ отар, минг ғамза билан,  
Ҳижрон азобларин тилсалар қани.

Ростийни бир умр интизор этмай,  
Сарви гул кулбамга келсалар қани.

\* \* \*

Қаро дейму, қалам қошлар кўзингга,  
Мубталолар этдинг гўзал, ўзингга.  
Ишқинг аро оташингга солдинг-ку,  
Маҳлиёлар этдинг гўзал сўзингга.

Боқиб жамолингга ҳавасда қолар,  
Чаманлар ҳуснингдан завқу шавқ олар.  
Шоир вужудида илҳом кўзгалар,  
Гуллар поёндоздир босган изингга.

Шайдоларинг шўхлигини қўёлмас,  
Ошиқларинг сендан бошқа суёлмас.  
Висолингга кўкда ойлар тўёлмас,  
Кечалари боқиб ойдек юзингга.

Менинг оҳугинам, лаблари ғунча,  
Ошиқларинг бедор тонглар отгунча.  
Баҳтимга соғ бўлгин дунё тургунча,  
Ростийни ром этдинг гўзал, ўзингга.



\* \* \*

Қуён ҳам оламга сочмасди зиё,  
Ойларчи заминга боқмасди қиё.  
Қайларда эдилар турфа ранг маъно,  
Гўзаллар бўлмаса гўзал дунёда.

Булбуллар боғларда сайрамас эди,  
Кунгиллар очилиб яйрамас эди.  
Ҳофизлар хонишин айламас эди,  
Гўзаллар бўлмаса гўзал дунёда.

Одамлар жаннатта боқмас эдилар,  
Дарёлар кўпириб оқмас эдилар.  
Қулоқлар райҳонлар тақмас эдилар,  
Гўзаллар бўлмаса гўзал дунёда.

Ҳаёт ҳам янгидан пайдо бўлмасди,  
Тонгларда қайтадан наво бўлмасди.  
Ростиё кўнглида садо бўлмасди,  
Гўзаллар бўлмаса гўзал дунёда.

## ТОПАР

Излаган имкон топар,  
Сизлаган инсон топар.  
Бу ҳаёт дўстлик билан,  
Бу олам чаман топар.

Мард эса кини агар,  
Ўзини ҳоқон топар.  
Зар қадрин билар заргар,  
Қўли гул чаққон топар.

Яхшилик йўлида одам,  
Қадрини ҳар он топар.  
Бахшилик қўлдан одам,  
Шухратин дoston топар.

Кўнгилни имон топар,  
Ҳақни дер виждон топар.  
Кўнгилни топсанг Узоқ,  
Шохсан, бир султон топар.

## ТОНГДА ЭСГАН ХУШБҮЙ...

Тонгда эсан хушбўй сабоси яхши,  
Дилга ором ёқар давоси яхши.  
Сабо бирла ажаб хуш-хуш дамларда,  
Кўнгилочар бир соз навоси яхши.

Тонг чогида бирга дилбар ёнида,  
Сайри чаман аро сафоси яхши.  
Гўзал санам васфи ёндирса ҳар кун,  
Куйдирганда нозу адоси яхши.

Баҳор чоғларида гўзал оламлар,  
Этар кўксингни шод, ҳавоси яхши.  
Ростий минг бир чаман, гўзал оламда,  
Гўзал инсон деган, садоси яхши.

## ВАҚТ

Бир-бир, икки, уч,  
Кимда қанча куч,  
Менман зўр деган,  
Хаёлидир пуч.

Дўстлар, этманг аҳд,  
Кучаниб ҳеч жаҳд.  
Ягона зўр бор,  
У ҳам бўлса вақт.

Менман зўр деган,  
Кўкрак ур деган,  
Бир куни келиб,  
Ҳолим кўр деган.

Узоқ ўйлаб кўр,  
Ақлинг бўлса дур,  
Ҳеч вақти дема,  
Битта менман зўр.

## БЎЛМАСА

Келмас уйқу кўзларга, кўзлар бедор бўлмаса,  
Келмас ёнинга дилдор, ўзи хумор бўлмаса.  
Сенсан дилдорим дерман, баҳтим-баҳорим дерман,  
Эркалашдан, суюшдан дилдор бедор бўлмаса.  
Сен севарим, моҳимсан, чиқармассан оҳим сан,  
Ошиғига маъшукдан зарра озор бўлмаса.  
Осон тутманг, жўралар, ҳар замонда сўралар,  
Гоҳи учрар дилдорни, қалби беор бўлмаса.  
На керакдир бу дунё, кўзга жаҳон зим-зиё,  
Ҳар дам аро қошингда, жонона бор бўлмаса.  
Аҳду вафо дард бўлмаса, амал этмак шарт бўлмаса,  
Бир ёр етар Ростий шу, ўзгага зор бўлмаса.

## ҚҰЙМАСИН

Кўрарга жаҳонни кўздан қўймасин,  
Ҳар кимсани ширин сўздан қўймасин.

Белларга дармону куч-қувват, малор,  
Қуёшдайин очиқ юздан қўймасин.

Ўз боланг ўзганинг, ақраболардан,  
Жонингга жон фидо, ўздан қўймасин.

Тўрт мучанг кутариб юрар саломат,  
Йўл босар оёғинг-издан қўймасин.

Жудо этма ҳаёт неъматларидан,  
Ростиё бемаҳал туздан қўймасин.

## ТҮРТЛИКЛАР

Ётаркан беҳабар дунё ишидан,  
Мардумлар ястаниб тупроқ сингари.  
Олар бағрига ер сўрамай кипшидан,  
Яхшими-ёмон, хоҳи жангари.

\* \* \*

Йўлида йўлакай йўловчи юриб,  
Кўзлаган ерига етиб боради.  
Қанчалик юрмасин яшаш йўлида,  
Эҳ, қанча ишларни кўриб боради.

\* \* \*

Сув кетади, тош қолади,  
Ўсма кетиб қош қолади.  
Қайғу ўтиб бош қолади,  
Кекса қайтиб ёш қолади.

\* \* \*

Яхшилар кўп бўлса олам мусаффо,  
Яхшилар ёр ерда диллар дилқушо.  
Яхшилар кўп йиллар бўлсинлар омон,  
Уларга зор эрур жумлаи жаҳон.

\* \* \*

Одамлар келинлар, дейди Азизбек,  
Ажойиб дилга хуш ширин сўз билан.  
Ҳар дамда дўстларни эъзоз этайлик,  
Боқайлик бир-бирга яқини кўз билан.

\* \* \*

Қадрдон дамларни ўйласак магар,  
Қайтариш иложи бўлмаса ортингга.  
У ўтган кунларим бир кунин ҳатто,  
Алишмадим сира бир қоп олтинга.

\* \* \*

Бу ҳаёт абадий боқий бўлганми?  
Май қуймоқликка ҳар дам соқий бўлганми?  
Майни Умар Хайём таърифлаб ёзган,  
Таърифлашда ундан ҳеч ким ўзганми?

\* \* \*

Чаманзор соҳиби одамзод ҳар дам,  
Одамзод йўқ ерда етишмас бир кам.  
Бас, шундай экан дўстларим ҳар кам,  
Бизлар билан шодлик бўларкан бекам.

\* \* \*

Май ичиб ҳар кун мастона бўлма,  
Ружу қўйиб сен унга майхона бўлма.  
Вужудинг тўлдириб дарду аламга,  
Оқибат вой бўлиб ғамхона бўлма.

\* \* \*

Кўнгилки, истайди қадру қимматни,  
Хешлар қадрини, дўстлар дийдорин.  
Ҳаётда оқланмас ул оқибатни,  
Қадрият бобида ҳеч ҳам қарорин.

\* \* \*

Келинлар, дўстлар, майли келингиз,  
Менинг билан суҳбат қурмоққа.  
Истак дилда бўлса майлингиз,  
Токи абад дўстим бўлмоққа.

\* \* \*

Жаҳонда не улуғ инсондан бўлак,  
Инсонсиз бекамол биронта тилак.  
Улуғлар улуғи ким экан десак,  
Башар қуёши инсондир демак.

\* \* \*

Ўзингдек кимсани ранжитма асло,  
Донолар чин пандин унутма асло.  
Ким элини менсимай айласа увол,  
Оқибат тошғучи бир куни завол.

\* \* \*

Баъзилар бор бўлиб дўстинг,  
Бир кун шилиб олар пўстинг.  
Лавозимдан тушиб қолсанг,  
Юзга солар каму кўстинг.

\* \* \*

Одамки яшар экан бемақсад бўлмас,  
Гар мақсад бўлмаса, кўнгил ҳам тўлмас.  
Эл-юртга хизматда из қолса ундан,  
Гар яшаш бор бўлса, номи ҳам ўлмас.

\* \* \*

Кимники дилда бўлса фароғат,  
Ишида мавж урғай шону шарофат.  
Гарчи у тилида бўлса дилозор,  
Ҳаёти доимо гурбатда гурбат.

\* \* \*

Бахлнинг боғини кўкармас дерлар,  
Бу сўзни маъносин ҳамма ҳам билар.  
Аммоки баъзилар ютуғинг кўриб,  
Ичидан зил кетиб бўҳтонлар қилар.

\* \* \*

Яхшилик, яхшилар доим бор бўлсин,  
Шу сўзга жонлар бахтиёр бўлсин.  
Аммо-чи яхшилик билмас инсонлар,  
Меҳру оқибатга умри зор бўлсин.

\* \* \*

О, одам, дунёга не учун келдинг,  
Яхшилик бобида гапинг бўлмаса.  
Сен инсон бўлдим деб санама ўзинг,  
Халқингга заррача нафинг бўлмаса.

\* \* \*

Табиат чиройи инсон биландир,  
Кишининг шодлиги имон биландир.  
Инсон ҳаётига зиё бергувчи,  
Меҳнатда маҳорат даврон биландир.

\* \* \*

Бақилнинг нур бермас ёққан чироғи,  
Гар ўтқир бўлса ҳам кесмас яроғи.  
Баъзида даврага қўшилган чоғи,  
Самимий кулгимас сохта тиржоғи.

Водий узра ёққанида қор,  
Ер қўйнида ётади баҳор.  
Бу қор асли қуту барака,  
Завқи билан ҳамма бахтиёр.

\* \* \*

Сен одам бўлибсан, инсон ўғли бўл,  
Ҳаётда ҳамнафас инсонга инсон.  
Гар шундай экан бериб қўлга-қўл,  
Замон-ла ҳамнафас бўлганида ўғлон.

\* \* \*

Яхшими-ёмонми бўлгувчи тупроқ,  
Ёмондан яхшини унутмас тупроқ.  
Оқибат бўларкан тупроқда ётмоқ,  
Жабрни этмагил бир-бирга ўртоқ.

\* \* \*

Элликка кирганда эланган ақлим,  
Сочларим оқ-рангга беланган ақлим.  
Неча йил яшасам ҳаёт қўйнида,  
Донолар дуридай тиланган ақлим.

\* \* \*

Ўқинг дўстлар, ўқинг китоб,  
Бўлмагайсиз ҳаргиз бетоб.  
Мазмунлари кўзгу бўлиб,  
Қалбга солар ажаб китоб.

\* \* \*

Ҳаёт гўзаллиги аҳиллик билан,  
Бир-бирига муҳаббат саҳийлик билан.  
Қамолга етолмас ҳеч кимса ҳеч ҳам,  
Бу олам қўйнида бахиллик билан.

\* \* \*

Азизлар, дунёга бир карра келдик,  
Тириклик ишқида югуриб-елдик.  
Қанчалик завқда ўтса ҳам ҳаёт,  
Умрни ўтказдик шамолдек, селдек.

\* \* \*

Дунёга келиб биз нималар кўрдик,  
Яшаида ҳақликми ёки эгрилик.  
Қарангки, ҳаётнинг тузин-насибин,  
Алифдек туғилиб нунсимон қайтдик.

\* \* \*

Дунё гўзаллигин биланлар билар,  
Яхшиликни эшлаб қилганлар билар.  
Ҳаётки насиҳат мактаби бўлса,  
Сабоқни қулоққа илганлар билар.

\* \* \*

Ҳаёт ҳам бетиним оққан сув каби,  
Ортгамас, доимо олға оқади.  
Сувлардек ҳаётда саҳий қадамлар,  
Ўлкамга гўзал ик рамзин тақади.

## ТҮЙ ҲАҚИДА

Тўйларнинг ҳам тўйи бор,  
Бир-биридан бўйи бор.  
Тўйдан сўнг ўтирволиб,  
Хўп ўйлатар ўйи бор.

Тўйларнинг ҳам тўйи бор,  
Беўлчов қўй-қўйи бор.  
Эҳ неча сўй-сўйи бор,  
Сўнг хўп ўйлар ўйи бор.

## ЁШЛИКНИ ҚЎМСАБ

Эй ҳаёт, шунчалар ширинлигингни,  
Гоҳи билдим, гоҳи билолмадим ҳам.  
Эй ҳаёт, қанчалар қизгинлигингни,  
Бирда сезсам, аҳён сезолмадим ҳам.

Кунларим ўтди деб, бўлиб маҳлиё,  
Умр кетганига этмайсиз парво.  
Қайдасан, бебаҳо ёшлигим энди,  
Қайдасан тошқинли, жўшқинли маъво.

Қанийди табиат тангилик этиб,  
Гуллаган баҳорим қайтариб берса.  
Юрган йўлларимдан қўшиқ тўкилиб,  
Босган изларимда лолалар унса.

## ТҮРТЛИКЛАР

Ҳаёт ривож-ю, унинг кемтиги,  
Йиллар лавомида кўрамиз ойдин.  
Шу кемтик жойларни тўлдирайлик деб,  
Ногоҳ йўқлик томон отамиз одим.



\* \* \*

Юртимизда гузаллик яратди халқим,  
Дунёга шухратдан таратди халқим.  
Хаётда ўзбегим ўзлигин топиб,  
Хурлик, бахт кўшигин яратди халқим.

\* \* \*

Бир кундек ўтиб кетаркан баҳор,  
Яшашни тасавзур этаркан баҳор.  
Одатин такрор этгандек баҳор,  
Бизга ёр этса нетаркан баҳор.

\* \* \*

Йиллар ўтиб кетди билдирмай аста,  
Тирик жонда яшаш олар нафасда.  
Кўз очгунча, тўюлар, аттанг,  
Ўтиб кетар экан умр бир пасда.

\* \* \*

Ҳолинг сўрай нима денг,  
Азизлар дўст-чун кўнгил кенг.  
Бу дунёдир сиз - менга,  
Ҳақ дил билан, ҳар вақт тенг.

\* \* \*


Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам,  
Деб келган азадан, дово элим бор.  
Унчалар бепарво бўлмангиз, беғам,  
Кўзлари очикқа сабоқ-билим бор.

\* \* \*

Дунёга келиб биз, нималар билдик,  
Дунё-чун янгилик нима иш қилдик.  
Заррача нафимиз тегмаса агар,  
Оламга не учун юк бўлиб келдик?

\* \* \*

Зарурият талаб иши,  
Нафас кириб-чиқиши,  
Тирикликдан нишона,  
Ҳаёт-яшаш ташвиши.



\* \* \*

Кўзингнинг олдида турар намоён,  
Умринг мазмуни лаҳзада баён.  
Ўткинчи кунлардан қайга борасан,  
Охирги манзилнинг бир куни аён.

\* \* \*

Бир гул очилар, бошқаси сўлар,  
Дунёнинг ишидир, ҳар вақт шу бўлар.  
Тирик жон эмасдир мутлоқ абадий,  
Калгадир-ожиздир, чорасиз қўллар.

\* \* \*

Дунёда нима кўп, ўтар ҳар кунлар,  
Кунларнинг олдида бизмиз учқунлар.  
Ўзимни жаҳонда улуғ зот санаб,  
Мор деган нафсимга бўлдим тутқунлар.

\* \* \*

Тугамас дунёнинг бир ками, иши,  
Айланар тўрт фасл, баҳор, ёз, қиши.  
Калладан каллага жойни алмашар,  
Бор экан шу жаҳон, ғамлар, ташвиши.

\* \* \*

Тўлғайми дунёнинг айтсанг бир ками,  
Бўлғайми инсонда хотири-жами.  
Бор экан, тирик дер, аҳли одамни,  
Тугамас ҳеч қачон ташвиши, ғами.

## НЕГА БИР КАМ, ДЕЙДИЛАР

Йўллар турфа чизиқ сирли-синоат,  
Дўстлар ҳаёт қизиқ ёки одамзот.  
Олий ҳакам инсон ақлли жонзот,  
Нега бир кам дунё, дейдилар ҳайҳот?  
Ўйламай сўзларми ён-верига қараб,  
Баъзи одам айтар ҳаёт мураккаб.  
Одамзотдан инсоф, диёнат сўраб,  
Дунё турар ҳар дам унсиз қалтираб.  
Дунё гўзал бўлар, инсондаги ҳар он,  
Гоҳи бир ножиндан тўзи-тўполон.

Ким бўлса, бир кам деб, айтар маъқулми,  
Ягона ҳоқонку жаҳонда инсон.  
Аҳли одам юрса тўғри йўлидан,  
Бир кам дунё бўлмас, ўнгу сўлидан.  
Ҳар бир киши зарра ғирром бўлмаса,  
Ростий олам яшар, мўллик-кўлидан.

## МЕҲР-ОҚИБАТ

Кечалар улғайтар фалакда ойни,  
Муҳташам саройлар, сўлим бир жойни.  
Фаришта-санаилар, қошлари ёйни,  
Сақлайди ҳамиша меҳр-оқибат.  
Чарх кажрафтори еру самони,  
Танангдаги жонни, дилда имонни.  
Орият, номусни, тоза виждонни,  
Сақлайди ҳамиша меҳр-оқибат.  
Пок ният, соф қалбли асл инсонни,  
Юртин ардоқловчи мард-шер ўғлонни.  
Тинчликни таянчи қутлуғ замонни,  
Сақлайди ҳамиша меҳр-оқибат.  
Ростий кечаётган бахтиёр онни,  
Покиза имону ганларда жонни.  
Бу ёруғ дунёни, жумла жаҳонни,  
Сақлайди ҳамиша меҳр-оқибат.

## ХАЙР, МАКТАБ

Остонамга бошим уриб,  
Келган эдим қучоғингга.  
Жон мактабим, гаптинг суриб,  
Таъзим этай даргоҳингга.  
Етти ёшда сени излаб,  
Келдим билим ўчоғингга.  
Кел болам, деб мени сизлаб,  
Меҳр этдинг то'йчоғингга.  
Йилдан-йиллар ошиб ўтар,  
Дарёлар ҳам тошиб ўтар.  
Ҳаёт тезкор шошиб ўтар,

Ўн саккизга етди ёшим.  
Сени ташлаб кетай десам,  
Кўнгил узиб кетолмасман.  
Болаликка қайгай десам,  
Ихтиёрим этолмасман.  
Хайр мактаб, жоним мактаб,  
Сенда қолар ёшлигим бор.  
Ўрним олар мени эслаб,  
Қаро кўзлар-қошлигим бор.  
Бугун сўнги кўнғироқни,  
Чалар бўлдим, чалар бўлдим.  
Юксак-юксак чўққиларга  
Ростий, йўлни солар бўлдим.

\* \* \*

Ёшлик пайтига жаннат ҳам ҳавас этар бир қаранг,  
Кўчаларни тўлдириб, кулиб ўтар ёш-яланг.  
Ёшлик чоғи баҳорга, ўхшапшиқда беғубор,  
Кел, эй ёшлик, қайдасан, кўнгилларни олайин.  
Гўзал олам, гўзал бир, қайдан топмиш турфа ранг,  
Гўзалларнинг гул юзи оҳанг этмиш ранг-баранг.  
Гўзаллик, гўзаллик, менинг билан суҳбат қур,  
Олганингни мард бўлсанг, бир дам қайтариб берсанг.  
Келмайсан яқинроқ, ўртайсан, жоним Узоқ,  
Қулоқларимни чертар ёшлик завқлари-оҳанг.

## РАВО КЎРМАДИМ...

Кўрар кўзларим ёруғ жаҳонга,  
Тилаб элимга яхши-омонлик.  
Менга ҳам сенга, улуғ замонга,  
Раво кўрмадим ҳеч бир ёмонлик.  
Ҳис этиб қалбим яхши томонга,  
Сезиб дилимда, асл имонга.  
Покиза кўнгил, софдил виждонга,  
Раво кўрмадим ҳеч бир ёмонлик.  
Асл жафокаш, тўғри инсонга,

Яратган ризқ-рўз, азиз маконга,  
Имкони меҳнат, қодир деҳқонга,  
Раво кўрмадим, ҳеч бир ёмонлик.  
Шу азиз юртим, қутлуғ жаҳонга,  
Элига ҳамдам, улуғ ҳоқонга.  
Туз этган халқим, азиз маконга,  
Раво кўрмадим ҳеч бир ёмонлик.  
Дилларга шодлик этар бўстонга,  
Бир умр вафодор, гўзал жононга.  
Ростийга дoston Ўзбекистонга,  
Раво кўрмадим ҳеч бир ёмонлик.

## БИЛМАСАК ТАРИХНИ...

Билмасам, тарихни она юртим ҳақида,  
Қилмасам таърифни она юртга бахшида.  
Юрмасман куюб-ёниб шу гулшаним номида,  
Не керак анда, менга яшашим тупроғида.  
Мен, кимни шу Ватанни, гул-чаман фарзандиман,  
Элга бўлсам деб ўғлон, бир сухон фарзандиман.  
Қайишиб жон этмасам, бўлиб мен дилбандиман,  
Не керак, анда менга яшашим тупроғида.  
Қайсики нокас билмас, шу ўлкани ғамини,  
Раҳматим куёшинг, тами нурда шамини.  
Оромим масканимни жаннати кўркамини,  
Ул Ватан ўғлонимас, Ҳақ қолар тупроғимас.  
Шу бўстон ғамида, қайғуриб эртасига,  
Қўшса ул ҳиссасин, дуру зар ширасига.  
Кўрарда ғамзасида, гавҳари қаросига,  
Десангки қароғимда, яшасин тупроғида.  
Ватанига куйканак, Ростийга айлар мерос,  
Азалий дерман менга, дил-дилдан қўймоқ ихлос.  
Қилсамки эл ичинда, меҳримни рўйи-ростда,  
Қолмоғим шараф эрур бу диёр тупроғида.

## САККИЗЛИК

Кўриб кўзлар жаҳонни, ақли-фаҳмли етмасанг,  
Бўлиб ўғлон сен юртга, зиён-захми етмасанг.  
Етук замон етукки, элни номдор қилмасанг,  
Нега келдинг ҳаётга, ҳар дам керак бўлмасанг,  
Кўриб дунё кўзларим, кўзим очиқ кетмасин.  
Алиф каби ҳақ сўзим, эгик-синиқ бўлмасин,  
Десанг элга бўл содиқ, она юртим ғамида,  
Қайғуриб сен ҳар доим, вақтинг бекор ўтмасин.

## ТУЮҚЛАР

Шамс теграсида замин айланар,  
Заминнинг юзида ҳаёт айланар.  
Гўзаллик гўзаллар ҳажрида ёнар,  
Ошиқи шайдолар, кўзлар айланар.

\* \* \*

Сени ўйлаб кечалар кўзга уйқу келмади,  
Ваъда айлаб у гўзал, бу кеча ҳам келмади.  
Келса - келмаса бир кун, келиб қолар ой-гўзал,  
Ўйқотганим вақт-кунлар, қайтиб такрор келмади.

\* \* \*

Дунёга бир келдик, етиб-ортамиз,  
Дунёга айб-нуқсон, юклаб ортамиз.  
Айбимиз тан олсак нима ҳам бўпти?  
Оқсоқлаб қолдикми ёки ортадамиз?

## ТЎРТЛИКЛАР

Одамдан боғланган оламнинг банди,  
Дунё тангими, одамлар танги.  
Ажабо, бу даҳр қандай боқади,  
Кимга шўр-аччиқ у, кимга бол-қанди?

\* \* \*

Инсон ҳақ юрса, у ҳар томон яхши,  
Покиза соф қони, соғ-омон яхши.  
Ростийсан, қараб қўр босган изингта,  
Қолдими сендан ҳам бир нишон яхши?

\* \* \*

Кирарда-чиқарда бир нафас-ҳаво,  
Яшаш-чун зарурдир ҳуш эрур даво.  
Шу асно минг йиллар этсайди давом,  
Аммо-ки ўлимни дерлар бедаво.

\* \* \*

Бу дунё ҳар вақти бир кам яралган,  
Бир камни бутлашга одам яралган.  
Нечун билиб-билмай баъзилар дейишар,  
Турфа кўзлар билан олам қаралган.

\* \* \*

Заррада заррадек яшаб қолармиз,  
Борича ризқимиз ошаб қолармиз.  
Қанчалик тез ўтган вақтни билолмай,  
Бир куни бошимиз қашлаб қолармиз.

\* \* \*

Дўстни кўрдим, душманни ҳеч кўрмадим,  
Баъзида ўзимни ҳуш кўрмадим.  
Бу дунё ғами-ташвиши билан,  
Кўнгилни холи, бўшманд кўрмадим.

\* \* \*

Кўнгилни эзади гоҳида ғараз,  
Сўзлардан, Ростий сан этмасанг араз.  
Ёқасан баъзида ёлғонлар сўзлаб,  
Сохта тил, хушомад айласанг фараз.

\* \* \*

Бу олам ёлғонни йўлида эрмак  
Бўлганда жаҳонни ютармин кўлмак.  
Во ажаб гоҳида ўйлаб қоламан,  
Дунё юкин қандай кўтарар юрак.

\* \* \*

Ҳақиқат кўйнида яшамас дунё,  
Олға ҳеч қадамлар тапшамас дунё.  
Рост сўзлар оламни этмас ҳавотир,  
Уруш-жанжалларни бошшамас дунё.

\* \* \*

Қошлар остида, мужгон остида,  
Икки кўзлардир ёноқ устида.  
Бир танда, бир тану кўролмас эмиш,  
Ўнг кўзга гайрилиш чап кўз дўстига.

\* \* \*

Дунёда дўстсиз мен зерикиб кетдим,  
Баъзида чарчоқдан йиқилиб кетдим.  
Бунчалар ширинсан, гўзалсан ҳаёт,  
Қарилик чоғига бирикиб кетдим.

\* \* \*

Жонларга роҳатбахш, субҳидам тонгда,  
Янгилик яралар, дам олган онгда.  
Не ишлар гувоҳи бу сирли дунё,  
Дилларга завқ этар ажойиб рангда.

\* \* \*

Дунёга тўймагай кўзлардир - кўзлар,  
Ўнгини чап алдар, бошқача сўзлар.  
Нафсни деб баъзида сохтакор юзлар,  
Остона ҳатлагач, унутар тузлар.

\* \* \*

Дўст учун дастурхон тузар дунёдир,  
Кўрганни бошқа ким бузар дунёдир.  
Мен сендан ортиқ деб, ўзни баландда,  
Кўрсатар бир-бирдан ўзар дунёдир.

\* \* \*

Номаълум сир билан бўлгандир дунё,  
Минг озиб, минг марта тўлгандир дунё.  
Ўлмаган ўлмасдир, абадий аммо,  
Минг сирлар гувоҳи ўлгандир дунё.



\* \* \*

Оламнинг сирини ечолмас одам,  
Одамнинг сирини ечолмас одам.  
Ечдиму дейдилар, маълум бўлмаган,  
Ҳар дамнинг сирини ечолмас одам.

\* \* \*

Кўз-кўзга термулиб, дарсларни ўқир,  
Пинҳона, номаълум гумонлар тўқир.  
Қизиқдир, тан олмас, гоҳи адашиб,  
Кўрганни кўрмасмиш очиқ кўз сўқир.

\* \* \*

Муҳаббат гулшани дермиш бу дунё,  
Не саодат гулшани дермиш бу дунё.  
Ёвузлик бошида одамзот гувоҳ,  
Адолат гулшани дермиш бу дунё.

\* \* \*

Дунёдир торга-тор, борга-бор дунё,  
Дунёдир борга-бор, торга-тор дунё.  
Келдию кетишидан тўлмаган асло,  
Дунёдир барқарор, зорга-зор дунё.

\* \* \*

Яхшнинг дур сўзи оламни безар,  
Ёмоннинг бир сўзи дилларни эзар.  
Гоҳида ножинсу жоҳил ишидан,  
Аҳли эл, оқиллар, сарсонлар кезар.

\* \* \*

Кундузи кеч бўлар, кечаси кундуз,  
Осмонни тўлдирар тунларда юлдуз.  
Кўрарга кўзлар-чун олам сирларин,  
Кундузу ҳар кеча, айлашар кўз-кўз.

\* \* \*

Дунёда не маъно, сирлар мужассам,  
Бирлашиб оламни айлар мустаҳкам  
Не ишни, маънони пойдевори ким,  
Дунёда энг буюк аталар одам.

\* \* \*

Лаҳзада акс этар бир олам мазмун,  
Мазмуннинг кўркидан чехралар гулгун,  
Гўзаллик гўзалга синаш учун,  
Ўзини намоён этадир ҳар кун.

\* \* \*

Барча замонларда дунёдир бир кам,  
Юраклар қатидан макон топиш ғам.  
Не ажаб дейдию билмасдан одам,  
Билсайди ўзини эканин олам.

\* \* \*

Одамий фарзанди бўлмасдир инсон,  
Сақласа кўнгилда бадфеъллик гумон.  
Шоҳлик айласа, адашиб гоҳи,  
Нафсига қул бўлса ёмондан-ёмон.

Юракнинг тубида кўнгил ётармиш,  
Ноўрин сўз унга оғир ботармиш.  
Кўйиб юрсанг гар, тизгинини бўш,  
Нафас каби ҳакалак газак отармиш.

\* \* \*

Кел эй, ёр, кўнгил нени истамас,  
Ихтиёрсиз мойилликни қистамас.  
Хуш дами йўқ чоғда қолса бу кўнгил,  
Вақтичоғлик соатидир эсдамас.

\* \* \*

Дилдорининг ишқида ошиқ югурар,  
Ошиқнинг кўйида дилдор ўй суар.  
Икки дил топишиб қолганда бир кун,  
Муҳаббат қасридан кошона қуар.

\* \* \*

Оламнинг ичида олам яширин,  
Одамнинг ичида одам яширин.  
Не бўлса тилгада чиқар сўз билан,  
Тил баён этмаса, олам яширин.

\* \* \*

Сирли бир асрорда яралди сўзи,  
Некидир бориға қаратди ўзи.  
Бу ҳаёт ишқидан, мавжудот дилда,  
Кўнгилда уйғониш таратди ўзи.

\* \* \*

Кўҳна дер дунёнинг тугамас иши,  
Тутатар одамнинг оғзида тишин.  
Тугаса бир куни адо бўларди,  
Баҳорлар ёзлардир, кузлардир, қиши.

\* \* \*

Жаноннинг кўйида ёнар юраклар,  
Замоннинг ўйида ёнар юраклар.  
Бу ҳаёт нақадар ширинлигидан,  
Жаҳоннинг тўйида ёнар юраклар.

\* \* \*

Абадий мангу йўл чўзиб сурадир,  
Фалақда ой-кўёш сузиб юрадир.  
Тирик жон абадий эмас ҳеч қачон,  
Бир куни келиб йўлин узиб турадир.

\* \* \*

Кўйлақлар киямиз енгсизлик мавжуд,  
Гўзал бир оламда тенгсизлик мавжуд.  
Қизиқ бир ишлари бордир дунёнинг,  
Бағри кенг дермизу, кенгсизлик мавжуд.

\* \* \*

Келибсан ҳаётга ҳақиқатни айт,  
Ёлғондан ҳазар эт, рост томонга қайт.  
Ўзингни кўтариб ерларга урма,  
Ҳар замон яхшидир ростни севар пайт.

\* \* \*

Инсоннинг гўзаллик томони тилда,  
Ҳақиқат истасанг ўзингни бил-да.  
Яхшилиқ уруғин сочсанг, агар сен,  
Номингни сўроқла абадий элда.

\* \* \*

Тонг доимо қутлуғ қадам аталар,  
Дунёда буюк зот одам аталар.  
Жаҳоннинг шодлиги, кўркам бойлиги,  
Инсон билан чаман, олам аталар.

\* \* \*

Сен жаҳон кўркида бир шода эрсанг,  
Гўзаллик аксингдан ҳаётга берсанг.  
Меҳнатининг маҳсули завқинг шарафлар,  
Ичиндан гўзаллик гуллар терсанг.

\* \* \*

Кўчадан бир гўзал иболи ўтди,  
Кўрганлар диллардан ғамлар унутди.  
Очилган оламга мушпоқ кўнгилга,  
Шодликлар муаттар бўйларин тутди.

\* \* \*

Бу ҳаёт кимларга ширину аччиқ,  
Бирига берк эшик, бирита очиқ.  
Бир қаранг ҳаётнинг тантилигини,  
Бирита оз берган, бирита сочиқ.

\* \* \*

Марднинг мардлигидир сўзи жоиздан,  
Ҳаёт ҳақиқатининг Ростий фоиздан.  
Ҳақнинг ҳақлигини кўрмоқ истарлар,  
Қуёш чиқар ҳар кун ўзи жойидан.

\* \* \*

Умрида ножўя босмаган қадам,  
Бормикан дунёда бирорта одам.  
Оёқ остига бошимни эгиб,  
Этардим макка деб, саждагоҳ ҳар дам.

\* \* \*

Ҳақиқат дейдию, ҳақиқатпараст,  
Пинҳона ишидан бўлар маст-аласт.  
Гоҳида учраган ножинсу нокас,  
Ростий дилларга етказар шикаст.

## ҲАҚИҚАТ

Кўнгиллар кўридан изладим сени,  
Юраклар тўридан изладим сени.  
Ҳар учкун нуридан изладим сени,  
Қайдасан, кўриниб тургин ҳақиқат?

Сохтакор тилида эрмак бўлмагин,  
Бенаф ўсиб ётган курмак бўлмагин.  
Денгиз мисол ҳайқир, кўлмак бўлмагин,  
Қайдасан, кўриниб тургин ҳақиқат?

Сенга суянганлар асло лол қолмас,  
Сени фақатгина номард тан олмас.  
Оламга кўрқувлар-ҳадик ҳам солмас,  
Қайдасан, кўриниб тургин ҳақиқат?

Бахтиёр дилларни қайнатар-тошар,  
Сени ёдинг билан бу жаҳон яшар.  
Бахтли бўлмоғини истасанг башар,  
Қайдасан, кўриниб тургин ҳақиқат?

Чопилмас-кўмилмас, зинҳор йўқолмас,  
Малъунлар қадрингни ерга тўколмас.  
Ростий гоҳ эгилар, аммо ўқ олмас,  
Қайдасан, кўриниб тургин ҳақиқат?

## НЕ УЧУН КЕЛДИМ

Мени дунё этмади бутун,  
Кўнгил қати бир чети тугун.  
Тополмасам айтаман нечун?  
Ўтиб кетар эртага бутун.

Мени дунё яхши кўрмади,  
Туғилгандай соф дил юрмадим.  
Ростлик йўлда нафсим турмади,  
Ҳақиқатта ўзим урмадим.

Мен дунёда нопокман дедим,  
Ҳалолдан кўп ҳаромни едим.  
Мурғаликда бенуқсон эдим,  
Бу дунёга не учун келдим?

## ҲАЁТ БУНДАН ҲАМ

Ҳаёт бундан ҳам гўзал бўларди,  
Ширин-шакар, бол-асал бўларди.  
Тилларда дoston ғазал бўларди,  
Афсус, надомад, пушаймон бўлмаса,  
Одам одамга душман бўлмаса.

Тошнинг устида гуллар унарди,  
Олтин қафасга булбул кўнарди.  
Ҳақиқат тоғда инсоф тунарди,  
Афсус, надомад, пушаймон бўлмаса,  
Одам одамга душман бўлмаса.

Тоғлар тоғларга салом этарди,  
Узатсанг қўллар ҳар ёқ етарди.  
Дарёлар сутта тўлиб кетарди,  
Афсус, надомад, пушаймон бўлмаса,  
Одам одамга душман бўлмаса.

Тапвишда, ғамда олам бўлмасди,  
Юракларда ҳеч алам бўлмасди.  
Ростий, бир дунё бир кам бўлмасди,  
Афсус, надомад, пушаймон бўлмаса,  
Одам одамга душман бўлмаса.

## ЯХШИЛАР КЎПАЙСА

Дунё гўзал, ҳам танги,  
Одам билан ҳар банди.  
Ширин-асал кўп қанди,  
Яхшилар кўп-кўпайса.

Дунё ширин биз билан,  
Аҳилликда сиз билан.  
Яхшиликдан сиз билан,  
Яхшилар кўп-кўпайса.

Дунё гўзал яна ҳам,  
Бўлармиди шод-хуррам.  
Бўлмасмиди бири кам,  
Яхшилар кўп-кўпайса.

Дунё гўзал ҳар қачон,  
Ҳар ким эса гар инсон.  
Кўнгли шодон ҳар инсон,  
Яхшилар кўп-кўпайса.

## КҮНГИЛ КҮНГИЛНИ ТОПСА

Меҳр кўздан тобланар,  
Яхши сўздан овланар.  
Дилда шодлик айланар,  
Кўнгил кўнгилни топса.

Сиз бизга катта бахт,  
Юксакликда тожу тахт.  
Умр чўзмоқ бизга нақд,  
Кўнгил кўнгилни топса.

Диллар дилларга пайванд,  
Эш бўлсада занжирбанд.  
Ҳаёт ширин, асал, қанд,  
Кўнгил кўнгилни топса.

Умр ўтар ҳар соат,  
Қадр дунёдан қиммат.  
Узоқбойга саодат,  
Кўнгил кўнгилни топса.

## МЕН ҲАМ ...

Кўшиқларда ялла айтиб,  
Чарчамасдан қайтиб-қайтиб.  
Гулзорларда ёшлик пайти,  
Дилда шодлик тўлай, дерман.

Қуёш каби тафтли боқиб,  
Дарёлардек нафли боқиб.  
Ватанимга софдил ёқиб,  
Элдан олқиш олай, дерман.

Ҳаёт экан ўзи сабоқ,  
Осон эмас яхши бўлмоқ.  
Орзу этиб яшар Узоқ,  
Шараф номда қолай, дерман.

Яхшиликни кўпга кўзлар,  
Эл олдида ёруғ юзлар.  
Ҳақ гапини Ростий сўзлар,  
Мен ҳам инсон бўлай дерман.

## ЯХШИ УСТИГА ЯХШИ

Инсон қадри пул эмас,  
Кўзлар кўзни алдамас.  
Ёлғон сўзлар тиллармас,  
Бўлса ҳаёт яхшидир.

Келса пайдари-пайдар,  
Йиллар омадли қайтар.

Дўстга дўст раҳмат айтар,  
Бўлса ҳаёт яхшидир.

Кўнгил кўнгилга бахши,  
Гўзаллик ҳаёт нақши.  
Яхши устига яхши  
Бўлса ҳаёт яхшидир.

## ХАЛҚ СҮЗИ

Бўлмаган ҳеч ўқилмас,  
Оҳори бир тўқилмас.  
Ёвга найза буқилмас,  
Бўлиб келган халқ сўзи.

Ҳақиқатан чин ўзи,  
Инсонда ёр ўнг кўзи.  
Имони бут пок юзи,  
Бўлиб келган халқ сўзи.

Мағзи-маъноси куоқ,  
Элда қудрати буюқ.

Доим дилларда суюқ,  
Бўлиб келган халқ сўзи.

Ҳар тарафдан кенг қамров  
Таъсир этади дарров.  
Текинхўрга беаёв,  
Бўлиб келган халқ сўзи.

Тирик жонга шон-шухрат,  
Кўнгишларга куч-мадад.  
Узоқбойга кўп роҳат,  
Бўлиб келган халқ сўзи.

## АСЛИ ТОЗА...

Асли тоза умр бўйи айнимас,  
Ёмон яхши қозонида қайнамас.  
Яқин бўлган дўстман деган кўнгилни,  
Рўпарангда турар бўлган ойнамас.

Булбул бўлса, қанча сайрар хуш эрур,  
Булбул ўрнин гоҳи босар майнамас.  
Сухбат аро диллар роҳат топганда,  
Баъзи ҳолда қўяр бузиб жойни маст.

Шайдоликни, садоқатда ижрода,  
Этар бўлгай барча сулув Лайломас.  
Бу дунёдир Узоқ бўлсанг, ўзи сир,  
Қандай пайдо бўлган жойи тайинмас.

## СИЗДА КҶРДИМ

Дунёда бор саодатни сизда кўрдим,  
Аҳли инсон садоқатни сизда кўрдим.  
Инсон деган улуғ номни оқламоқ-чун,  
Ғайрат ила шижоатни сизда кўрдим.



Кўнгил очар дилда ором меҳригиё,  
Ширин сўзлар шафоатни сизда кўрдим.  
Эшитганда завқ беради ажабтовур,  
Турли-туман ҳикоятлар сизда кўрдим.  
Мақсадингиз эзгуликлар қилмоқ ҳар дам,  
Ҳалолликда шарофатни сизда кўрдим.  
Ростийга хос Ростий юрмоқ бу дунёда,  
Сўзи элда ижобатни сизда кўрдим.

## СИРДАРЁНИНГ ЎНГ ЮЗИДА

Сирдарёнинг ўнг юзида,  
Фурумсарой диёри бор.  
Қизларининг бол сўзида,  
Ширин-шакар гулёри бор.  
Фурумсарой кечалари,  
Ойдин йўлдан кўчалари.  
Лаблари дур гунчалари,  
Ҳар йигитнинг дилдори бор.  
Фурумсарой топган чирой,  
Кўкда юлдуз мисоли ой.  
Икки ёндан оқар шўх сой,  
Гуриллаган бозори бор.  
Сирдарёнинг ўнг юзида,  
Фурумсарой диёри бор.  
Шоир Ростий дил сўзида,  
Юртин мадҳин изҳори бор.

## БАҲОР ҚАЙТГАНДА

Дилимни хушхон бир тароват тортар,  
Соғинчдан висоллар, кўнгиллар ўртар.  
Фасллар шоҳига ҳаваслар ортар,  
Булбуллар сайрашиб салом айтганда,  
Ёшликни эслатар баҳор қайтганда.  
Кўм-кўк бир паллалар кўзлар яшнатар,  
Дилларда ҳаяжон, шодлик кўзютар.  
Кўксингда яллолар, куйлар уйютар,

Булбуллар сайрашиб салом айтганда,  
Ёшликни эслатар баҳор қайтганда.  
Ошиқу шайдолар ҳар ёнга қараб,  
Кўнгишлар очишар завқидан яйраб.  
Яшнайдн табиат гўзаллик ажаб,  
Булбуллар сайрашиб салом айтганда,  
Ёшликни эслатар баҳор қайтганда.  
Бир гўзал дунё бу, азалдан-азал,  
Кўзларни қувнатар гўзалдан-гўзал.  
Ростий-чун бахш этар ғазалдан-ғазал,  
Булбуллар сайрашиб салом айтганда,  
Ёшликни эслатар баҳор қайтганда.

## РАВЗОЛАР ЭТДИ

Фасли хуш баҳор равзолар этди,  
Ариқлар лабини сабзалар этди.  
Сабзалар мавж уриб кўм-кўк паллалар,  
Курмакка бир ажиб лаҳзалар этди.

Лолалар ҳуснини дилдора каби,  
Ишваю ноз ила жиловлар этди.  
Гунчалар нишлари ошиққа қараб,  
Мужгонлар сингари ғамзалар этди.

Ҳаётга ташна бир етган куртаклар,  
Табиат юзини майсалар этди.  
Баҳор хуш ойлари, айланиб навбат,  
Ростий-чун файзи ёр жавзолар эди.

## ВАСЛИНГ — ЖАМОЛИНГ

Васлинг — жамолинг, ҳар он ўйлайман,  
Тушларимда ҳам сени сўйлайман.

Ҳажрингда тўлғониб кечалар бедор,  
Булбуллар мисоли хандон қуйлайман.

Йўлларингни пойлаб кун, ҳафта, ойлаб,  
Келишингни кутиб, бўйлаб бўйлайман.

Соғинчларимни газалга жойлаб,  
Номингга дилбарим мактуб йўллайман.

Бўйингдан ўргилай моҳи табоним,  
Буюр не истайсан, мен Ростий шайман.

## БАХТИМСАН ЎЗИНГ

Гулчеҳра ниторим, бахтимсан ўзинг,  
Гўзал вафодорим, бахтимсан ўзинг.

Гулдек табассуминг кўнглимни очар,  
Кўзлари хуморим, бахтимсан ўзинг.

Сайри чаманларда фасллар ичра,  
Фасли баҳорим, бахтимсан ўзинг.

Ишқим осмонида нур сочган ҳулкар,  
Ишвали дилдорим, бахтимсан ўзинг.

Сен жаҳон мулкида ягона дилбар,  
Ростийга мадорим, бахтимсан ўзинг.

## ҚАЙЛАРДАСИЗ, ҚАЙДАСИЗ?

Ишқни дилга солган қиз,  
Хаёлимни олган қиз.  
Қаерларда қолган қиз,  
Қайлардасиз, қайдасиз?

Кечалари ой-юлдуз,  
Ширин забон, ширин сўз.  
Қаро кўзим қаро кўз,  
Қайлардасиз, қайдасиз?

Нозларинг бунча дейму,  
Куйдирдинг шунча дейму?  
Лаблари гунча дейму,  
Қайлардасиз, қайдасиз?

Ошиғини қийнаган,  
Ростийни минг синаган,  
Бўса бериб сийлаган,  
Қайлардасиз, қайдасиз?

## КУТАР ЭДИМ

Йўлда сизни кутар эдим келмадингиз,  
Севар ёрим, севганимни билмадингиз.  
Билсангизда билмаганга олиб ёки  
Бизни, гўзал, назарларга илмадингиз.  
Пари чехра, Ойгул дейму қиз томонга,  
Қараб-қараб қўяр эдим сиз томонга.  
Келарсиз деб, умид этдим биз томонга,  
Хабар олиб бир карамлар қилмадингиз.  
Бир келибсиз, қошим аро гурмадингиз,  
Гул очилиб бўстонимда юрмадингиз.  
Хажрингизда куйганимни кўрмадингиз,  
Муштоқ кўнглим, мужгонлардан тилмадингиз.  
Йўлларингиз кутар, Ростий келмадингиз,  
Севар ёрим, севганимни билмадингиз.  
Билсангизда билмаганга олиб бизни,  
Чин опшиқни назарларга илмадингиз.

## ЗАМОНДОШИМ — ЗАМОНДОШ

Замин ичра ҳамма вақт,  
Юракларда ишонч-аҳд.  
Сизга бўлсин толе-бахт,  
Замондошим-замондош.

Юракла сабру бардош,  
Яхши ниятлар йўлдош.  
Асрдош, оқил сирдош,  
Замондошим-замондош.

Истак, мақсад, кўнгли оқ,  
Келажагингиз порлоқ,  
Сизга бўлсин бахт ҳамроҳ,  
Замондошим-замондош.

Ҳамиша йўли порлоқ,  
Иродаси мисли тоғ.  
Сизга бахт тилар Узоқ,  
Замондошим-замондош.

## КЎЗГА СУРТАР ЮРТИМСАН

Олам бўлган маҳлиё,  
Тан олган бу кун дунё.  
Азизсан ҳам тўғиё,  
Дилдан севар юртимсан.

Юртбошимга саломат,  
Этар элим садоқат.  
Тинчлик истар ҳар соат,  
Дилдан севар юртимсан.

Қуёш четлаб кетмаган,  
Кимни шайдо этмаган.  
Таърифга сўз етмаган,  
Дилдан севар юртимсан.

Бир кўрганни ақли лол,  
Ошиқ-шайдо бўлиб қол.  
Ростийга ёр истиқбол,  
Кўзга суртар юртимсан.

## СЕВГАНИМ АЙТАЙ

Жондан ширин сени севганим айтай,  
Кўйингда адолар бўлганим айтай.  
Кетолмай ёнингдан зарра нарига,  
Парвоналар бўлиб қолганим айтай.

Муҳаббат кўчаси шунча ширинми,  
Кўларингдан ушлаб олганим айтай.  
Оташин ҳажрингда ўйларда қолиб,  
Юракка ишқингни солганим айтай.

Гўзалим, висолинг насиб бўлгунча,  
Девоналар каби толганим айтай.  
Кўрганда ҳар сафар, Узоқбой-Ростий,  
Кўксимда ҳаяжон тўлганин айтай.

## СУБҲИДАМ ТОНГЛАРДА

Субҳидам тонгларда, янгилик онгда,  
Ҳаётга ишқингни пухталар танда.  
Ширин бир онларда тозалик қонда,  
Ҳаётга яна ҳам ошар муҳаббат.

Субҳидам тонгларда, ажаб оҳангда,  
Дунё тинч товланар , гўзаллик рангда.  
Манзара кўрки бахш этар жарангда,  
Ҳаётга яна ҳам ошар муҳаббат.

Гўзал бир оламда, турфа чаманда,  
Субҳидам тонглари ором этганда.  
Танларга ҳузурбахш роҳат етганда,  
Ҳаётга яна ҳам ошар муҳаббат.

Субҳидам тонгларда, Узоқ омонда,  
Эркин-хуш нафаслар олар замонда.  
Яхшилик йўлларда, яхши томонда,  
Ҳаётга яна ҳам ошар муҳаббат.

## ГҶЗАЛИМ, ҲАЖРИНГДА...

Гўзалим, ҳажрингда ҳар кеча ёнай,  
Офтоб жамолингда тўйгунча қонай.

Севгилим, сен менинг бир жаҳон бахтим,  
Қадди ниҳолингда жон садқа этай.

Сени деб яшайман бу олам аро,  
Сени Лайли, ўзимни Мажнун, деб санай.

Соф сеvги, муҳаббат бўлса ўртада,  
Айирмас бизларни гумон ҳар қандай.

Ишқингда чин ошқ девона Ростий,  
Бир умр оламдан ўтгунча ёнай.

## ЖОН ШИРИН, ЖОНОН ГҶЗАЛДИР

Жон ширин, жонон гўзалдир,  
Ёр билан ҳар он гўзал.  
Марварид тонгларда куйлар,  
Булбул хушхон гўзал.

Бу ҳаёт бўстон гўзалдир,  
Дилда чин достон гўзал.  
Кўзларни мафтун этарда,  
Кўргали жаҳон гўзал.

Сухбати жонон шириндир,  
Дилга-дил пайванд эса.  
Рози-дил изҳор этарга,  
Сухбати жонон гўзал.

Ростий-о, ҳаддингни билтил,  
Чўзма гашни ҳар қанча.  
Гар узук бўлса бу олам,  
Гавҳари инсон гўзал.

## ГҶЗАЛ ИНСОННИ ТОПДИМ

Дунё деган бозорни кезиб,  
Кўнгли тоза инсонни топдим.  
Чаман бўлган гулзорни кезиб,  
Дўстларга кон жаҳонни топдим.

Ҳаёт йўлдан яхшилик сезиб,  
Дилларга мос имонни топдим.  
Яхшиликдан бахшилик сезиб,  
Жонга дармон имконни топдим.

Ёмонликни ҳар қачон эзиб,  
Баланд турган осмонни топдим.  
Нафсни деган ўлқонни эзиб,  
Тўғри йўлдан виждонни топдим.

Ҳар ён гўзал маконни кезиб,  
Элим суйган заминни топдим.  
Чаман бўлган бўстонни кезиб,  
Ростий гўзал инсонни топдим.

## ШИРИН СЎЗДАН ЮКСАК

Ширин сўздан юксак тортиғи бўлмас,  
Инсонда ишончдан ортиғи бўлмас.  
Бу дунё кемтиги ҳеч қачон тўлмас,  
Оламда муҳаббат-садоқат ўлмас.

Ҳаётнинг ҳар ери эгрилик йўлмас,  
Барча ҳам баравар нафсига қулмас.  
Бебаҳра танангда зарарли қўлмас,  
Нотавон устидан мард киши қулмас.

Дарёлар бир ерда тургувчи қўлмас,  
Ўнг қўллар қачондир бўлгувчи сўлмас.  
Ширин сўздан юксак тортиғи бўлмас,  
Инсонда ишончдан ортиғи бўлмас.

## ОДАМЛАР-ЕЙ, ОДАМЛАР

Одамлар-ей, одамлар,  
Яхши-ёмон одамлар.  
Яхшиларга эргашгим,  
Ёмонларга ёндошмай.  
Улар билан курашгим,  
Яқин сари қондошмай.  
Яхшиларга ҳақим йўқ,  
Бирор нарса демоққа.

Ёмонларни кўргим йўқ,  
Зор эмасман кўрмоққа.  
Сиз азизсиз, одамлар,  
Сиз улугсиз, одамлар.  
Сизлар сари интилуғум,  
Сизлар билан яшагуғум.  
Яхшиларга ҳамма ёр,  
Ёмонлардан эл безор.  
Шунинг учун, эй одам,  
Сиз яхшилар, бўлинг бор.

\* \* \*

Бирдан ҳаво гулдураб,  
Чақин чақар ялтираб.  
Дилга солиб ваҳима,  
Ҳарён турар қалтираб.  
Бир ёнда қуруқ ҳаво,  
Бир томонда нам ҳаво.  
Қилдиларми қаттиқ жанг,  
Жанги дарди бедаво.  
Охир отдан тушдилар,  
Ёмғир бўлиб тушдилар.  
Ерни кучиб ўпишиб,  
Сойлик бўлиб жўшдилар.

## ДАЪВАТ

Жаҳон халқлари,  
Сиз улуғлари.  
Бўлсангиз яқдил,  
Ҳеч қачон ҳеч ҳам  
Бўлмагай уруш.  
Тинчликка қарши  
Бўлмайди юриш.

## ҲАЁТ КЕМТИК, ДЕЙДИЛАР

Ҳаёт кемтик, дейдилар,  
Кемтик бўлса тузатинг.  
Буглаш аҳд бўлса агар,  
Ёрдам қўлин узатинг.  
Кемтигини биз ҳаётга,  
Минғирлаб яшаш асло  
Ярашмас одамзотга.



## ОНА

Она азиз, улуф зот,  
Оламда йўқ унга тенг.  
Усиз шодлик дилга ёт,  
Кекса кўнглин яйратинг.  
Бир кун кетади ўтиб,  
Кейин қолган доғ ёмон.  
Мен онамни йўқотиб,  
Топа олмай доғдаман.

## ҚАРҒАЛАР ҚАФИЛЛАШАР

Қарғалар қафиллашар,  
Қор тусашар қарғалар.  
Бошларига нур ёкса,  
Додлаб ҳар ён тарқалар.  
Қафиллашса қарғалар,  
Бор вужудим қақшайди.  
Совуқ нафас одамлар,  
Қарғаларга ўхшайди.

## БОЛАЛИГИМ

Болалигим, бўш-баёвлигим,  
Болалигим, ўт-оловлигим.  
Не кунларни ортда қолдирган,  
Болалигим, шўх-яловлигим.  
Қаердасан, қайларда қолдинг,  
Энди сени топиб бўларми?  
Бир мавж уриб ўтган тўлқинда  
Икки қайтиб оқиб бўларми?

## БОТИРЛАР ЎЛМАЙДИ

Ўттизинчи июн эрта саҳари,  
Эшитдик эфирдан машғум хабарни.  
Уч ботир ногаҳон ҳалок бўлибди,  
Кўздан сел ёш тўкди барча ёш-қари.  
Эшитиб юракдан кўплар қатори,  
Эзилиб барчамиз дилимиз пора.  
Мангу ҳар бирингиз мардлар сардори,  
Хизмати бебаҳо юртим мадори.  
Койнот оламин забт этганлар,  
Олтин варақларга номин битганлар.  
Бахтиёр элита хизмат қилганлар,  
То абад қалбларда асло ўлмайди.

## ЁШЛИК ВА БАҲОР

Серишва, сернозу бўлиб фусункор,  
Одатдек келибди бу гўзал баҳор.  
Ҳамал кириб тинчи йўқолган деҳқон,  
Мул ҳосил ишқида кечалар бедор.  
Ариқлар лабида бўлиб сабзакор,  
Табиат ям-яшил гиламин безар.  
Ниш урган кўкатлар нафис ишвакор,  
Ўлкамининг рамзидир ажиб пурвиқор.  
Тоғларда қор бўлса, пастликда баҳор,  
Келибди сержило кулиб жилвадор.  
Мисли сирға таққан гул юзли дилдор,  
Фасллар эркаси бу элда баҳор.  
Кишилиқ умрини баҳори қайта,  
Йиллар баҳоридек келмаскан такрор.  
Дўстларим дилимни айласам изҳор,  
Боқийдир умрингиз топмасин озор.  
Баҳору ёшлиқни мадҳин таърифин,  
Шоирлар сингари этолмас таъриф.  
Ҳаваскор шоирни маъзур тутингиз,  
Шеърларим бўш бўлса, айбим ўтингиз.

## СИР БЎЙИДА

Сир бўйи соҳиллари  
Дам олишга  
Хўп жой экан,  
Ҳар ёнда боғу роғлари  
Турфа ранга  
Хўп бой экан.  
Бунда келган,  
Ҳар бир меҳмон,  
Ҳордигидан,  
Бўлиб мамнун,  
Тезда туриб  
Қайтмас экан.  
Боғларда булбуллари,  
Хандон этиб,  
Сайрашлари  
Турғизгали  
Қўймас экан.

## БОБО ДЕҲҚОН

Кўли қадоқ бобо деҳқон,  
Кўлларингда ўйнар кетмон.  
Яшашингга этиб имкон,  
Заҳматинг кўп она ерда.

Ҳар кун тонгда тура олиб,  
Дала томонга йўл олиб.  
Экканларинг чиқса униб,  
Шодланасан қониб-қониб.

Битта донни кўп дон қилиб,  
Дўстларингни шодон қилиб,  
Шухратингни дoston қилиб,  
Яша бошинг осмон қилиб.

\* \* \*

Эй, азиз, мангуга бош қўйганлар,  
Жангларида бошини ёш қўйганлар.  
Қабрига қимматли тош қўйганлар,  
Сизларни шарафлар бугунги авлод.

\* \* \*

Яратган ҳам, кийгизган ҳам,  
Устингни бутлаб, егизган ҳам,  
Ўзи жойлаб ўтказган ҳам,  
Азиз бўлган она табиат.

## ТЎҒРИ СЎЗЛАНГ

*(қочирма гап)*

Ҳақни десам урарлар,  
Хушомадни суярлар.  
Иймон, эътиқод ила,  
Ватан дея қуярлар.

Ҳақни денгу тўғри сўзланг,  
Сизни ҳеч ким ҳар не демас.  
Хушомад-ла сўз маъқулланг,  
Сизга ҳеч ким дашном бермас.

Тарбия, деб тўғри урсанг,  
Уйингдаги боланг суймас.  
Ишбилармон бўлиб юрсанг,  
Ҳар кўчани эшик беркмас.  
Тўғри юрсанг, тўғри юрсанг,  
Гарду чанги сенга юқмас.  
Агар фойданг дўстга тегмас,  
Қибла қиё қараб боқмас.

## ЎЗ АҚЛИДАН ТАШВИШДА ИНСОН

Ҳаёт пайдо бўлгандан буён,  
Ўз ақлидан қирғинда инсон.  
Во ажабки ўзи яратган,  
Тиф зарбидан бўлдилар қурбон.

Ҳаёт пайдо бўлгандан буён,  
Фақат ўз-ўзидан ташвишда ҳамон.  
Табиат унчалик этмади ҳалок,  
Ўзлари бир-бирга келтирди қирон.

Қанийди ақллилар бир ерда бўлиб,  
Ҳамжиҳат бир фикр бўлса одам.  
Қирғин қуролларни тинчликка йўллаб,  
Тинчликка абадий қўйсалар қадам.

Абдулла Орифнинг ўт сатрлари,  
Жаҳонда тинчликка эмасми даъват.  
Унутманг, азизлар, уруш сўзларин,  
Абадий тинчликка эрур жароҳат.

## САВОЛ

*(она тилидан)*

Соғиндингми мени деб,  
Боласидан онаси.  
Савол оҳанги этиб,  
Эркаларди боласин.  
Бола эса хунгчақчақ,

Мисли ёниб гулчечак,  
Отар эди ўзини,  
Онасин қучоғига,  
Худди жаннат богига.  
Гар бола соғинмаса,  
Онам қайда демаса,  
Нима учун боласин  
Эшитилар ноласи?  
Йиғи овози чиқди  
Парвона бўлар она,  
Онасин соғинганин,  
Боласи овозидан,  
Пайқасада онаси.  
Сўраб қўярди яна,  
Соғиндингми мени-я,  
Қорақўзим, жоним-а...

\* \* \*

Инсоф борми деркан воинсоф,  
Ўз қилмишин қилмайин ҳисоб.  
Найрангларин бир қарра тизса,  
Бўлар экан бир неча китоб.

Гар ўзидек олғирни кўрса,  
Ҳам топқирю юлғични кўрса.  
Оғиз-бурун ўпишиб улар,  
Қўшалоқ бўлиб фойдани урар.

## ОНА

Уч дона ҳарф,  
Жам толган сўз.  
Нон каби таъриф,  
Айлайди кўз-кўз.  
Онами ё нон,  
Иккиси бир жон.  
Ҳаётдаги шон,  
Жонларга дармон.

## ТАСАВВУР

Табиатни абад туриши,  
Чойхонага қўйилган сўри.  
Бир-бир чойга келиб-кетишар,  
Неча-неча авлодлар тури.

## ЎРИКНИНГ ДАВОЛИГИ

Табиат сахийлигин,  
Яшашга имконлигин,  
Мевалар сароблигин,  
Билар уни биланлар.

Меваларнинг сардори,  
Юракка хўн мадори,  
Қувват ато этишда,  
Табиат шифокори.

Табиат эҳсон этган,  
Юракка ўхшаб кетган.  
Ўрик манзур шифодир,  
Соғлиққа нафи етган.

## НЕГА КЕЛДИМ ҲАЁТГА

Нега келдим ҳаётга Ватан жоним севмасам,  
Она каби ҳар қачон жонажоним демасам.

Эрка бўлиб кучоғида яйрасам ҳар ёғида,  
Деманг фирзанд юртимга жони қурбон бўлмасам.

Мустақиллик, эркин, муқаддас, деб қалбимда,  
Зарур ерда ўзимни фидои жон этмасам.

Мен лойиқми Ватанга, марди ўғлон бўлмоққа,  
Ўлиб замин гардини шараф-шоним қилмасам.

Беркитолмас ой юзин этак билан ҳеч замон,  
Амир Темур бобомдек ўғлоним эрмасам.

Мақсадим ҳақ йўлида баҳолаш шарафида,  
Юртбошим қадрин ортиқ чин имоним билмасам.

## ҲАЁТ

Тирик мавжудотнинг яшап мазмуни,  
Ёйинки борлиққа берилган якун.  
Тирикчилик дея яшамоқ учун,  
Зулуксимон қопни орқалаганмиз.

## ОНАМГА

*(Қасида)*

Она ҳақида  
этмоқ қасида  
Ишгиёқида  
Қўлимга қалам  
Яна оламан.  
Ўйга толаман,  
Мадҳини бирдек  
Шарафлай олсам.  
Мақтовга арзир,  
Бирорта сўзда.  
Баҳолай олсам,  
Бизга кенг олам.  
Ўзи бир олам,  
Қолдириб тортиқ.  
Қадрин ортиқ  
Этгандир ўзи.

## ИЗЛАДИМ

Соғинсам онажоним, меҳрибоним изладим,  
Соғинсам нур жаҳоним, жонажоним изладим.

Меҳри кўнглим қўмсагач, дили жоним изладим,  
Ширин сўзин эслагач, шараф-шоним изладим.

Термулсам оналарга, аммо сизга ўхшамас,  
Умрим боғу баҳори хуш забоним изладим.

Ёд айлагач оқадур кўзларимдан жиққа ёш,  
Тўрт тарафга боқибон йўқотганим изладим.

Ҳовлимиздан топмайин ҳоки пойинг гардини,  
Ахтариб тополмасман, гулистоним изладим.

Бир умр ёд этурман оқ сутингиз ҳурмати,  
Шу сабабдан ҳар соат нурафшоним изладим.

Ёдима тушгач, Узоқ она ҳурмати-ҳаққи,  
Аввали охир замон сиз имоним изладим.

## ШЕЪР ЁЗАМАН

Шеър ёзаман, шеър ёзаман,  
Шеърим билан сўнг қоламан.  
Гоҳи айтиб дил изҳорим,  
Гоҳи хаёлга толаман.

Шеърлар ёзиш осон эмас,  
Ёзмаганлар буни билмас.  
Баъзи акам тўравачча,  
Шоирликнинг қадрин қилмас.

Қалб кўрини юлқиб чиқар,  
Туғён этиб олиб чиқар.  
Яширинган сир-асрори,  
Қалам учдан қоғоз ўпар.

Шоир деган номнинг ўзи,  
Табиатта ошиқ эркан.  
Манзарага боқиб кўзи,  
Илҳомларим кўшиқ эркан.



## ҚАЙСИ МАЪҚУЛ

Пулни пулдор топади, аҳмоқ кетмон чопади,  
Дейди баъзи ақли бор, ақли ғовлаб кетганлар.  
Кетмон ерни чопмаса, элни кимлар боқади,  
Айтмас эди бу гапни фаросати етганлар.

Пулни пулдор топар, деҳқон кетмон чопавер,  
Бирни дерди чайқовчи, бири эса тўкар тер.  
Ҳар иккисин фарқи бир, ўртаси икки газ ер,  
Пулдор пулни тошиб ер, деҳқон ерни чопиб ер.

## ТҮРТЛИК

Ҳаётда кўп қизиқ ишлар бўлар экан,  
Оғзингизга тўсиқ тишлар бўлар экан.  
Андишасиз сўзлар чиқса гар тилдан,  
Ўлмасдан гўримиз ғиштга тўлар экан.

## ХАЁЛЛАР

Хаёллар, хаёллар, ажиб хаёллар,  
Ҳали битмаган ишнинг бошсиз.  
Ер юзини кўрмаган гўдак ёшсиз,  
Хаёллар, хаёллар, ажиб хаёллар.  
Бир зумда олибоқ одамлар ақлин,  
Ҳар онда кўрсатиб унинг иқболин.  
Хаёллар, хаёллар, ажиб хаёллар,  
Азимбой деҳқоннинг иқболи бўлиб.  
Сочарсан неъматлар уруғин кулиб,  
Қовулган мисоли висол онидек.  
Турарсан, севгилим, дилдор ёнида,  
Хаёллар, хаёллар, ажиб хаёллар.  
Сенингдек ҳеч нарса тезда учолмас,  
Оламини яшиндек зумда қучолмас.  
Чексиз-чегарасиз шоир ўйисан,  
Бастакор яратган қўшиқ, куйисан.  
Ўйга голсам олиб қочар хаёллар,  
Шошганда каллага келмай хаёллар.

\* \* \*

Подшатада бўлганмисиз?  
Бўлмаганлар бўлсин бир.  
Унинг гашгин сурганмисиз?  
Сурмаганлар сурсин бир,  
Кўрмаганлар кўрсин бир.  
Бахмал гилам тўшалган,  
Яшилликдан ҳар тараф,  
Маҳлиё айлар сизни,  
Гўзалликка йўқ тараф.  
Ўнгу сўлда катта тоғ,  
Кенг ўртада оқар сой.  
Сайрашарди вақти чоғ,  
Какликлар пайдар-пай.  
Мисоли жаннат кўрган,  
Лол қолур ҳар бир кўрган.

## УНДАЙДИ ЮРАК

Бўз ерга бор, деб ундайди юрак,  
Айла гулзор, деб ундайди юрак.  
Чўлни яшнатсанг бўлувчи доим,  
Бахт сента ёр, деб ундайди юрак.

Меҳнатга мосдир қўшигинг-куйинг,  
Меҳнатни севсанг ошар обрўйинг.  
Ишда ўрнак бўл умид-орзуинг,  
Тошгин қарор, деб ундайди юрак.

Борганим бўлсин ўша бўз ерга,  
Чўлни яшнатиб ботайин терга.  
Қайнайди ҳаёт қўшиққа, шеърга,  
Чин мавзу бор, деб ундайди юрак.

## СУВЛАР

Ўйнаб оқар баҳор сувлари,  
Тиним билмай қайта шошасиз.  
Қир бағрига тақиб гулларни,  
Тошдан-тошпа ўйнаб опшасиз.

Тоғлар оғниб дала бағрига,  
Яшил гилам тўшаб келасиз.  
Чиройи а қўшиб минг чирой,  
Ўлкамизга аро берасиз.

## **ГУРУМСАРОЙ**

Она қишлоқ жонажон Гурумсарой,  
Сир бўйида чин бўстон Гурумсарой.  
Чиройинг бор сулув шаҳар чиройидек,  
Кўрганларнинг ақли ҳайрон Гурумсарой.

Боғларингга бол бергувчи анҳор сулув,  
Пахтазорлар чиройингга тиниқ кўзгу.  
Иқболи бор аҳди чин халқинг бардам,  
Шараф сизга аҳли деҳқон Гурумсарой.

## **БЕБАҲО ЮРТИМ**

Гўзал юртим, жонажон юртим,  
Ҳар мисқол тупроғинг кўзимга сурттум.  
Кўрки жамолингга тўймай боқаман,  
Ширин оғушингга барқ урар чаман.

Туркистон элида гўзал диёрим,  
Номи дил-тиллерда ғазал диёрим.  
Олтинга хазина мапъал диёрим,  
Дунёда ҳар юртдан афзал диёрим.

## **НИГОҲЛАР ТЎҚНАШДИ**

Ногаҳон тўқнашди нигоҳлар бирдан,  
Тилим лол бисотдан тополмай бир сўз.  
Кўзларинг кўзимда қўш нарғизинг ҳам,  
Эрким бўғизланга шай жаллодомуз.

Қалбим дер, сўзла, сўнг жавобин олгин,  
Розилик берса бахтли бўлиб қолгин.  
Амрини ўгадим, ишқ этдим изҳор,  
Ерга кўз тикканча лол қолди дилдор.

Сўнг дединг бир-бирни синаб кўрайлик,  
Тақдирлар эп кўрса даврон сурайлик.  
Синагил марҳамат сина мангуга,  
Кўёшлик қилсанг бас бахтим тонгига.

## ТУЮҚ

Кўп ишларни кўргай ҳаётда бу бош,  
Дўстларим яхши бўлинг, бўлмай бебош.  
Меҳнатсевар, камгарин бўлинг доим,  
Ёш бўлсангиз-да бўлурсиз элга бош.

## ДУНЁ МАЗАСИ

Дунё мазаси нимада десак,  
Оламни кезсагу саёҳат этсак.  
Олсак хабар дўстдан, билиб аҳволин,  
Қадрин меъёрийн ўрнига қўйсак.

Йўл узоқ бўлса-да, кўнгилни яқин,  
Этмоқлик нақадар лаззатли, ширин.  
Яқинлар, хешларни эъозлаб қадрин,  
Ўрнига қўймоқлик нақадар ширин.

## ФАРДЛАР

Ўзни ким этса баланд элидан,  
Не кўрса оқибат кўргай феълидан.

\* \* \*

Яхшидан ёмонни фарқин айламоқ,  
Ҳар икки дунёда бўлур бегуноҳ.

\* \* \*

Ҳар кимга айтма сўзни беҳуда,  
Оқибати бўлгувчи ёмондир жуда.

\* \* \*

Кимки англамас ҳақлик сўзини,  
Жаҳолат йўлига бошлар ўзини.

\* \* \*

Ҳаётки бор экан машаққат бўлгай,  
Ки ранжи тортмагай, роҳат бўлмагай.

\* \* \*

Ҳақ юрса чалинмай одам,  
Икки дунёси бекам.

\* \* \*

Кимки элин билмайди,  
Кейин қадрин қилмайди.

## МЕН ҲАМ

Мен ҳам девона Машрабдек,  
Жаҳонни кезайин, дерман.

Бу олам сирларин ундек,  
Ҳар ерда сезайин, дерман.

Бўлса имкон шу дунёни,  
Эзгуликка безайин, дерман.

Кўриб қолсам ноҳуш ишларни,  
Юз ўтириб кетайин, дерман.

Товон ёриб дашту чўлда,  
Машрабона юрайин, дерман.

Келмас қўлдан ноҳақ йўқ дебон,  
Ростий олам этайин, дерман.

## ОТАМ ҲАҚИДА

Отам ҳақида эпиттанларим,  
Ҳамон мени ёдимда мангу.  
Онам сўзлаб шипшиттанлари,  
Ҳали-ҳали эсимда қайғу.  
Ўша қурғур жангу жадалдан,  
Фашист деган ёвуз ажалдан.  
Танда оғир жароҳат-яра,  
Қайтган эди отанг бечора.  
Фронт орти ишламоқ керак,  
Ҳарна бўлса бўлайин бирга, —  
Дея отанг сувчилик қилди,  
Беш кам эллик гектарли ерда,  
Боз устига очлик-касаллик  
Этган эди аҳволини танг,  
Эссиз-эссиз бевақт аттанг.  
Силолмасдан бошингни отанг,  
Юмди кўзин ҳаётдан эрта.  
Ҳувиллатиб уйимиз тўрин,  
Қолдирганди бизларни ортда,  
Деб сўзларди мушгилар онам.  
Қаранг ажиб дунё ишларин,  
Ота бўлдим, оталик ҳиссин  
Ҳануз қўмсар қўнглим қайтадан,  
Қолдирмабди сиймосин, аксин,  
Қолдирганда бир дона сурат,  
Таскин бўлиб берарди мадад,  
Энди уруш бўлмасин, халқим,  
Шудир менинг оталик бахтим.

## САККИЗЛИК

Йўлда йўловчи тўхтамай юриб,  
Кўзлаган манзилга кетиб боради.  
Кетган бўлса ҳамки манзил чўзилиб,  
Билмайдики қачон етиб боради.  
Лекин ёнидаги дўст қўнглини,  
Тўғрилаб қўнгилга улаб бўлмайди.  
Етишдик деганда тутишиб қўлини,  
Тилларни сўзидан диллар тўлмайди.

## ҚАНИЙДИ КҮРСАМ

Қанийди бегубор осмонни кўрсам,  
Қанийди бекибор иймонни кўрсам.  
Қанийди камроқ ёмонни кўрсам,  
Қанийди тоза кўп инсонни кўрсам.  
Қанийди бетўсиқ жаҳонни кўрсам,  
Қанийди бекам замонни кўрсам.  
Қанийди бу қайтмас умр қадрини,  
Ҳамма ҳам бирдек билолса дўстлар.  
Қанийди бу армон юрак дардини,  
Табиблар малҳами бўлолса дўстлар.  
Қанийди беқиёс юртим мардларин,  
Тақдирлаб ўрнига қўёлса дўстлар.  
Дўстликни эй, Ростий садоқат билан,  
Навоий бобомдек этолсак дўстлар.

\* \* \*

Ҳаракатсиз турганда одам,  
Мендан сўрар набирам Ҳамдам.  
Юрмасак юрмайди бирга,  
Юрсақ юрар оймомо қайдам.  
Бизлар билан шундайин болам,  
Оймомодир ҳамиша ҳамдам.

## ЭЙ, ТАБИАТ

Эй, табиат яратсанг одам,  
Яхшилардан кўп ярат албат.  
Ёмонларга бергин инсофу,  
Фозилга жон бахш айла фақат.

Мурғак бола туғилган чоғда,  
Соф ҳолатда дунёга келгай.  
Улғайгач сўнг дейсиз, на чора,  
Қуш уяда кўрганин қилгай.

Эгам уни яратиб қўйгач,  
Ким бўлишин билмасмикин-ё.  
Чунки баъзи бандалар дунё,  
Аро ўзни санайди танҳо.

## **ОНА ЗАМИНСАН**

Болалик чоғларим, ёшлигим ўтган,  
Ногаҳон йиқилсам пешонам ўтган.  
Тинчмас жонлари бахтини тошган,  
Она заминдирсан, жонажон замин.

Ота-боболарим дилдирлар сурган,  
Фарзандларинг не-не сирларни кўрган.  
Бардошинг метиндир соғ-омон турган,  
Она заминдирсан, бўл омон замон.

Кўзларига суртар айлар тўтиё,  
Таърифга тил ожиз, сахий, бебаҳо.  
Сендан наф олади бу ёруғ дунё,  
Она заминдурсан, жонажон замин.

Бағрингда бунёддир, минг турфа неъмат,  
Табаррук тупрогинг, ўзи бир жонлат.  
Ростийни ҳам топмоқда завқи саодат,  
Она заминдурсан, эй Турон замин.

## **ЎЗБЕКНИНГ БАХТИЁР ЎҒЛОНЛАРИ**

Ўзбекнинг бахтиёр ўғлонлари бор,  
Минг йилда келар инсонлари бор.  
Тарихдан ҳеч ўчмас мард дер паҳлавон,  
Тилларда ёд бўлган дostonлари бор.

Ўзбекнинг нақти ёр, чўлпонлари бор,  
Эркни деб курашган Усмонлари бор.  
Шухрати оламини-жаҳонни тутган,  
Қиличдан-қаламдан ҳоқонлари бор.



Ўзбекнинг мадҳи ёр, дилда аҳди бор,  
Истиқлол машъали, дилда бахш бор.  
Одамлар кун сайин юксалиш сари,  
Суйган юртбоши, тожи-тахти бор.

## АЙТ

Раҳмат деб турган улфати ёронга айт,  
Бир умрга вафодор севгили жононга айт.

Келтириб халқига у меҳнати-ла катта наф,  
Эл-юртга азиз бўлган шухрати дostonга айт.

Ҳамиша оқил-доно, элга манзур ҳамдам,  
Ҳар ишда илғор, чаққон раҳбару ўғлонга айт.

Текиндан айлаб ҳазар, қилмаган нафсин наҳанг,  
Ҳалолдан нонин топиб еган-у имонга айт.

Қайта бормай кўраман мисли зар водийни мен,  
Айлаган чўлини бўстон қўли гул деҳқонга айт.

Эй, Узоқ, нур сочарга бошнинг куёш бўлиб,  
Она юртим жонажон, жон Ўзбекистонимга айт.

## ЧОДАК ТАЪРИФИ

Биродарим аҳли Чодак,  
Таъриф айлай Чодак андак.  
Қадим юртига деб қасида,  
Ёзайин мен шеър-қасида.

Ҳар томонда катта адир,  
Боғланишган тоғларига.  
Мевалари сероблиги,  
Файз киритар боғларига.

Кенг қишлоқни икки бўлиб,  
Ўргасидан оқар сойи.  
Сув оқсаки тўлиб-тўлиб,  
Оби кавсар роҳат жойи.

Хуш ҳавоси танга роҳат,  
Оромижон бир латофат.  
Одамлари хуш калом-у,  
Меҳмоннавоз, серилтифот.

## **ОНАДАН ОЛАМГА...**

Онадан оламга туғилган чоғим,  
Меҳринг торғди мени ёноғим.  
Олқишлаб кўтарган шараф тупроғим,  
Севмасдан бўларми сени жонимдан.

Едириб-кийдириб ўстирдинг ўзинг,  
Садоқат бурчига ўргатдинг кўзинг.  
Қадрингга егмоққа ўзлигинг-ўзинг,  
Севмасдан бўларми сени жонимдай.

Отам ҳам онам сендан кечмаган,  
Сени гаминг билан чориқ ечмади.  
Ташвишингда ёнди ўзга демади,  
Севмасдан бўларми сени жонимдан

Аждодларим, авлодим, боқдинг-боқасан,  
Бахт баҳор диёрим элга ёқасан.  
Ростийга ҳам, жону дилга ёқасан,  
Севмасдан бўларми сени жонимдан.

## **ОНАНИ ЗОР ЭТМАНГ**

Онани зор эгиб, хўрламанг, дўстлар,  
Меҳрини чанқатиб, зор этманг, дўстлар.  
Нозу карашмага берилиб кетиб,  
Улуғлар зотини хор қилманг, дўстлар.

Оғишда суюкли жанона бўлган,  
Маҳрамининг онаси хон-она бўлса.  
Сени онажонинг ҳам дурдона бўлган,  
Оғригиб қалбини хўрламанг, дўстлар.

Жонона ёрингиз, ҳурмат этсангиз,  
Қайнона, онани азиз айлангиз.  
Аяманг ширин сўзни, ошар қадрингиз,  
Меҳрибон сиз бўлиб жеркманг, дўстларим.

Иккингиз бирликда ватан бўлиб,  
Суйсангиз сиз она ватан жон бўлиб,  
Онажон ватанни эъозлаб, суюб,  
Онани, ватанни қадрланг дўстлар.

Она ҳам ҳурматда, ватан ҳам деб ёр,  
Фарзандлар хизматида бўлсин дастёр.  
Хизматда ватанга Ростийдек тайёр,  
Шайликда ўзингиз, шай айланг дўстларим.

## ҚАЙДАСАН, БАҲОРИМ МЕНИНГ

Қайдасан, хонзода баҳорим менинг,  
Гул севар гулзода, нигорим менинг.

Еллардан сўрайман, субҳи сабодан,  
Кўргандир мабодо, дилдорим менинг.

Саломлар йўллайман ишқимни қўшиб,  
Эркиндир ҳавода изҳорим менинг.

Кокилин ўйнармиш менга кўрсатмай,  
Шўх эсар шабода, эй ёрим менинг.

Оламда бир татир, сочар бўй-атир,  
Тенги йўқ озода, гулзорим менинг.

Дилдорим васлинга таърифлар булбул,  
Тонгларда қуйлай, дугорим менинг.

Қайдасан нигорим, Ростий-чун қара,  
Соғиндим ой юзли дийдорим менинг.

## ИШҚИНГ ҰТИ

Ишқинг ұти ипсиз солди тузоққа,  
Кетолмасман, гүзал, сендан йироққа.

Бир умр жонгинам эркалар бўлдим,  
Жон садқа этай нозинг-фироққа.

Фироқларинг жоним-жонимга роҳат,  
Кўнгиллар зор-зордир бўйинг-дудоққа.

Нозик табассуминг диллар яйратар,  
Ишваларинг жонни солар қийноққа.

Бу юраклар сендан олар куч-қувват,  
Олам шодликларин йигар кучоққа.

Кел ёнимга ўлтир, севганим малак,  
Етдим сендек ой юз, кўзи мунчоққа.

Кўкдан қуёш боқиб, қутлар бахтимиз,  
Ёр бўлдинг ой санам чиндан Узоққа.

\* \* \*

Ширин ўйлар-хаёллар, кўриб оласан,  
Тинчим бузиб, мени ўта соласан.

Ажирларга юр деб, қўлларим ушлар,  
Чорлар кучоғига, гуллар, лоласан.

Чарчамасдан чопар, уёқ-буёққа,  
Ёшлиқни эслатар шўх-шўх боласан.

Қолдингми сен ортда босган изларим,  
Найдан яйраб чиқар фиғон-ноласан.

Кучсам суюб, жоним, нозик белларин,  
Гүзалим, юз-юзим силар соч толасан.

Бунча ширин ўйлар, Ростий шод айлар,  
Шарпа каби тушсан, қайда қоласан.

## МУҲАББАТНИНГ ҚУЧОҒИ

Муҳаббатнинг қучоғида яйраб ўтсам бас,  
Садоқатнинг ўчоғида қайнаб ўтсам бас.

Тонг чоғларида лолазорда гулдаста тутиб,  
Гўзалларнинг қароғига боқиб турсам бас.

Кундуз қуёш, тунда ойнинг жамолларини,  
Кўплар каби завқи-шавқин гаптин сурсам бас.

Олам-жаҳон шодликларин, чин дўстлар билан,  
Бахтиёр кун, саодатда баҳам кўрсам бас.

Яхшилиқни йўлларида ҳормай-толмай ҳеч,  
Чарчамасдан ҳузурини кўриб юрсам бас.

Бу ҳаётнинг нуқсонларин-хатоларини,  
Адолатнинг пичоғида қирсам-ўрсам бас.

Она юртим, жоним Ватан гамида Ростий,  
Элим дея, юртим дея, ёниб-куйсам бас.

## ЯХШИЛИК ЙЎЛИДА

Яхшилиқ йўлида этайлик ижод,  
Бу олам биз билан гўзалдир, обод.  
Муҳаббат-садоқат чиндан юракда,  
Сақлайлик-этайлик кўнгилларни шод.

Тонгларнинг васлини қайтатдан кўрмак,  
Муяссар бахтидан шодланар юрак.  
Бу ҳаёт нақадар шириндир-қанддақ,  
Унутмай яшайлик аҳли одамзод.

Бу дунё сиз-биздан инсофни сўраб,  
Турар доимо, унсиз қалтираб.  
Меҳр-оқибатни кўзларда асраб,  
Қолайлик бир умр, дўстлар, умрбод.

Чин кўзлардан боқсак, гўзал бир ҳаёт,  
Гўзалдай гўзаллик бахш этар нажот.  
Ростий ҳаёт, меҳрнинг қадрига еттил,  
Бу ҳаёт меҳрдан мангу барҳаёт.

## ОНА ЮРТ ҚАДРДОН

Кўзларга суртамиз азиз тўтиё,  
Куёшдан кўр топар нур-зиё.  
Бебаҳо ўлкамсан, дунёсан-дунё,  
Она юрт қадрдон, бағринг кенг жаҳон.

Муҳаббат-садоқат яшар бағрингда,  
Шодликлар-қувончлар тошар бағрингда.  
Меҳрдир оқибат, ошар бағрингда,  
Она юрт қадрдон, бағринг кенг жаҳон.

Сен фаҳрим-ғурурим, шоним-шавкатим,  
Сен қалбда имоним, жоним, шуҳратим.  
Кундан-кун равнақим, ортар суратим,  
Она юрт қадрдон, бағринг кенг жаҳон.

Амрингни жон-дилларга солиб,  
Сен билан яшайман тинч нафас олиб,  
Ростийман дейишга халқим бор юлиб,  
Она юрт қадрдон, бағринг кенг жаҳон.

## ОЙЛАР ЎША, ЙИЛЛАР ЎША

Баҳорларда қолиб кетар,  
Болаликни олиб кетар.  
Не куйларга солиб кетар,  
Йиллар ўша, йиллар ўша.

Кунлар ўтар, ойлар ўтар,  
Босиб ўтдинг қанча йўлни.  
Демас умринг нима бўлар,  
Ойлар ўша, йиллар ўша.

Ажаб экан дунё иши,  
Баҳор, ёзи, кузи, қиши.  
Айланади зўр гардиши,  
Ойлар ўша, йиллар ўша.

Кунлар қайтар, йиллар қайтар,  
Баҳорлардан салюм айтар.  
Қандай гўзал ёшлик пайтлар,  
Ойлар ўша, йиллар ўша.

Баҳорларда қолиб кетар,  
Не куйларга солиб кетар.  
Узоқ, умр олиб кетар,  
Ойлар ўша, йиллар ўша.

## ОЛАМ ГЎЗАЛ

Олам гўзал тинчликдан тургани билан,  
Одам гўзал саломат юргани билан.  
Аҳил дўстлар давраси, очилар ҳардам,  
Ширин-ширин суҳбатлар қургани билан.  
Дунё жаннатни ўзи ҳар бир инсонга,  
Ҳақиқатни ҳақ кўздан кўргани билан.  
Кўзлар ҳам завқ топар асл мақсаддан,  
Бу ҳаёт маъносини сургани билан.  
Жаҳон шодликка тўлар, ҳар қачон Узоқ,  
Ростий сўзлар ёлғонни, ургани билан.

## АЙЛАНАР КУН-КЕЧАЛАР

Тун кўйнида ой чироқ,  
Ёруғ эгар ҳаммаёқ.  
Гўзал олам бағрида,  
Тин олар дўстлар-ўртоқлар,

Ойдан-ойдин ой кеча,  
Висол дамга бой кеча.  
Кўнгилларда оромбахш,  
Роҳатлардан жой кеча.

Ой боласи юлдузча,  
Тўп-тўп экан набунча.  
Онасига талпинар,  
Токи тонглар отгунча.

Тирик жонни қўриқлар,  
Кўкдан ойдин мўралар.  
Ҳар кун тонглар отганда,  
Ҳаёт олдин сурилар.

Кечалари осуда,  
Олам тинч, жим уйқуда.  
Айланар кун-кечалар,  
Ростий, гўзалдир жуда.

\* \* \*

Бир кўриб висолинг, дилбар жонона,  
Хаёллар жойидан ҳаволаб учар.

Қаддинг сарв, камолинг кўзлар мастона,  
Кўнгиллар тўрини шодликлар кучар.

Кўрдиму сени гул, якка-ягона,  
Дилларда қайғу-ғам, нолалар ўчди.

Жамолинг васфидан қалблар мардона,  
Гўзаллик шаробин симириб ичди.

Тинч жойда туrolмай Ростий ҳайрона,  
Қонларда сайр этар сафролар кўчди.

\* \* \*

Мен сени возик ниҳол, шўх гул, дедим,  
Қўлларимда сара гул ол, дегандим.  
Сен бўлсанг гули раъно ё қизил гул,  
Сенга ошиқ бўлдим, булбулим, дедим.

Нозику адо этса ишваларинг,  
Топдинг сен, ҳар кечалар кўнгил, дедим.  
Тоҳиру Зуҳро бўлиб юрсак бизлар,  
Кенг қулоч очиб, қутлар йўл-йўл, дедим.



Бу ҳаёт мазмунида салоқат де,  
Вафо аҳди чин бўлсин, мўл-кўл, дедим.  
Чин муҳаббат ашки рост этса агар,  
Сен учун, Ростий ўзи бир қул, дедим.

## АЗИЗ ОДАМЛАР

Кўй дўстим, айтма ҳеч армонларини,  
Шодликдан дил тожин дармонларини.  
Кенг дунё доимо тинглаб келади,  
Олқишлар, замонлар, фармонларини.

Ҳожи деб, бўжи деб, қўрқитма мени,  
Чин дўстинг қучоққа олсин, дей сени.  
Аслида яратган кўҳна бу дунё,  
Ҳақиқат ишидан барчага тенги.

Гоҳида адашса дунё ўйинчоқ,  
Одамнинг қўлида бўлар қўғирчоқ.  
Унутма эй дўстим, сени-мени ҳам,  
Кутади қайси вақт, бир манзил ҳар чоқ.

Сен мента берилган ғанимат дамлар,  
Шодликлар ичида ўтсин ҳар дамлар.  
Унутма ҳеч маҳал азиз замондош,  
Ростий дер азизсиз, азиз одамлар.

## МЕНИ ...

Мени нетай дунё севмайди,  
Абад тирик олиб қолмайди.  
Ўзи каби абадий-мангу,  
Йўлларим йўлга солмайди.

Мени дунё камситиб ўтар,  
Қўлларимдан ғам силтаб ётар.  
Ихтиёрим йўқдир ўзимда,  
Вақт ҳаками йўлимни кутар.

Мени дунё назар илмайди,  
Рост айтганим писанд билмайди.  
Агар этса назарга олиб,  
Айганларим нечун қилмайди.

Ширин-аччиқ, ғам-ғусса дунё,  
Адолатинг кўп, ғусса дунё.  
Ҳақ йўлимни бир кун Ростий,  
Не қиламан гар тўсса дунё.

### **БАЪЗАН ДУНЁ ХИРА КЎРИНАР...**

Ҳаёси йўқ шарманда юздан,  
Ҳақиқатни кўролмас кўздан,  
Дил оғритар, бемаза сўздан,  
Баъзан дунё хира кўринар.

Ғайри йўлда хира кўринар,  
Хазонрезгилик пайти кузидан,  
Гоҳи учар, қалбнинг музидан,  
Баъзан дунё хира кўринар.

Умр олар вақтнинг тезидан,  
Кўздан нурлар, кетар кезидан,  
Эй одамлар, сиз-бизидан,  
Баъзан дунё хира кўринар.

Оқни бўяб қалам чизидан,  
Ҳаётга айб, нуқсон тизидан,  
Ростий гоҳи одам изидан,  
Баъзан дунё хира кўринар.

### **МЕҲРИ ДАРЁ**

Меҳри дарё оқибатни қилганлар,  
Ўздан ортиқ ётти назар илганлар.  
Шоҳ-гадони бирдек кўриб билганлар,  
Ким бўлса ҳам, бу дунёда бир одам.

Яхшилар ким ёмонликка берилмас,  
Баланд тутиб ўзни асло керилмас.  
Бу дунёни безатишдан эринмас,  
Ким бўлса ҳам, бу дунёда бир одам.

Ҳаёт гўзал чин дўстликдан ҳар маҳал,  
Бўлиб келган ширин-шакар, қанд-асал.  
Ёш қўнмасин қўзга ҳеч бемаҳал,  
Ким бўлса ҳам, бу дунёда бир одам.

Ким яхшилик, ким ёмонлик этарлар,  
Бу дунёдан нима олиб кетадилар.  
Ростий эркан муродига етарлар,  
Ким бўлса ҳам, бу дунёда бир одам.

\* \* \*

Иссиқ ҳам, совуқ ҳам этар бу дунё,  
Кимга кўп, кимга оз етар дунё.  
Бир кун келиб, бир кун кетар дунё,  
Борга бор, йўққа тор бўлган бу дунё.

Гаплар кўп, кўмир оз ундайин-бундай,  
Дунёни ишлари кўп экан шундай.  
Йиллар ҳам ўтаркан кечаги кундай,  
Борга бор, йўққа тор бўлган бу дунё.

Яхши ҳам, ёмон ҳам олам қўйнида,  
Яшайди бир бўлиб, ҳаёт ўйнида.  
Не савоб, негуноҳ ортиб бўйнида,  
Борга бор, йўққа тор бўлган бу дунё.

Юзига маҳлиё қаратган дунё,  
Ўзига бир шайдо яратган дунё.  
Узоқни бир умр сайратган дунё,  
Борга бор, йўққа тор бўлган бу дунё.

## ИККИ ДУНЁ ОРАСИ

Икки дунё ораси,  
Ўтар умр пойчаси.  
Минг йил яшар чораси,  
Бўлармикан дунёда?

Дунё узра жаҳолат,  
Йўқ бўларми қани айт,  
Муҳаббатга-муҳаббат  
Бўлармикан дунёда?

Олам ичра аламлар,  
Тугармикан ҳеч камлар.  
Сиздан бизга ситамлар,  
Бўлармикан дунёда?

Дунёда кўп ёмонлар,  
Билармикан ёронлар.  
Юракда йўқ армонлар  
Бўлармикан дунёда?

Дунёда бор саодат,  
Саодатга садоқат.  
Садоқатга каромат,  
Бўлармикан дунёда?

Дунё кимнинг дунёси,  
Гирромга кўп вафоси.  
Яхшига оз сафоси,  
Бўлармикан дунёда?

Икки эшик ораси,  
Одамлар овораси.  
Икки дунё чорасиз,  
Бўлармикан дунёда?

Узоқ, гапинг кам қил,  
Сўзлашни мустаҳкам бил.  
Аҳли одам бир, рост дил,  
Бўлармикан дунёда?

## МЕН ДУНЁНИНГ УЙИДА

Мен дунёнинг уйида куйдим, ёндим,  
Ғамида, кўйида бир қадар тондим.  
Бевафолик қилган бўлсамда магар,  
Баҳридан-тафтидан қанчалар қондим.

Дунёда ғўр-пишиқ талашни кўрдим,  
Бир чети тўлмаган ғалатни кўрдим.  
Ҳаммаси бир одам, худонинг кули,  
Номлари турфа хил миллатни кўрдим.

Дунёдан кўп нарса ўрганиб олдим,  
Бевафо чоғларда адашиб қолдим.  
Бу ҳаёт ишқила ҳар қанча ёниб,  
Юраклар тўрига муҳаббат солдим.

Бағрингда адашиб қолмайин дунё,  
Юзингта доғларни солмайин дунё.  
Тузингни ичдим-у оқлайин аммо,  
Сендан бир лаънатни олмайин дунё.

## ОЛАМ ИЧРА ЯШАР

Олам ичра яшар оқил ҳам нодон,  
Кўз ўнгингда товланар жаҳон.  
Мен зўрман дейди-ю, бир кун нотавон,  
Мураккаб дунёдир, мураккаб одам.

Бу дунё эҳтимол туйнуксиз қаср,  
Ичра қўп абадий ёзилмаган сир.  
Бизларни ҳар доим этадир асир,  
Мураккаб дунёдир, мураккаб одам.

Айтганинг ҳаммаси юз фоиз бўлмас,  
Бормикан дунёда нафсига қулмас.  
Ҳақиқат бозори чаққонмас, доим,  
Мураккаб дунёдир, мураккаб одам.

Ё яхши, ё ёмон тўлиб кетмаган,  
Ё яхши, ё ёмон тўлиб келмаган.  
Ростий, ким бор экан, ўлиб кетмаган,  
Мураккаб дунёдир, мураккаб одам.

## СЕН ТОМОН ЮРАЙ, ДЕРМАН

Сен томон юрай, дерман,  
Ой юзингни кўрай, дерман.  
Бир бўлиб тун-кечалар,  
Ширин суҳбат қурай, дерман.

Сенга жоним, қурбон бўлай,  
Ел текизмай посбон бўлай.  
Минг айланиб ҳар он бўлай,  
Ёштинангда турай, дерман.

Сен ўзингсан жаҳоним, деб,  
Лайли каби хандоним, деб.  
Ширин-Лайло, жоним, деб,  
Васлинг завқин сурай, дерман.

Офтоб ошно жамолинга,  
Қадди-қомат, камолинга.  
Ростий боқиб зилолинга,  
Ҳар дам сени кўрай дерман.

## ГЎЗАЛ БИР ИЖОД

Умрнинг ҳар учкун лаҳзаларида,  
Ширин дам, хаёллар, қанчалар мазмун.  
Бу ҳаёт тапвиши лаҳчаларда,  
Дунёдир бетиним айланар ҳар кун.

Ўтар вақт дамлари, ғанимат фурсат,  
Онларда мавж урар, гўзал бир ҳаёт.  
Чамандан ўзга бахту-саодат,  
Излайди доимо, асл одамзот.

Нақадар роҳатбахш олам-жаҳонлар,  
Етказар дилларга олам-жаҳонлар.  
Жаннатга ўхшаган, ёруғ жаҳонда,  
Бебаҳо-беқиёс ҳар ўтар онлар.

Қуёшнинг тафтидан айланар ҳаёт,  
Ҳаётнинг шаштидан куйланар баёт.  
Бир гўзал оламдан завқларни олиб,  
Ростийда қайнайди гўзал бир ижод.

\* \* \*

Феъли паст одамни шайтон, дейдилар,  
Шайтонга дарс бўлар инсон, дейдилар.

Қарангки, баъзи бир одамдан ҳатто,  
Бекиниб қочармин шайтон, дейдилар.

Бўхтонни-ғийбатни олиб қочарлар,  
Рост сўзлар кишини «ёлғон», дейдилар.

Заҳирини пинҳона тилидан сочар,  
Беюзни ўхшатар «илон», дейдилар.

Ўзига ўхшаган бадкирдор бўлса,  
Кўкларга кўтариб «чаққон», дейдилар.

## **ЁНГИНАМДА ЎЛТИРСАНГ, ДИЛБАР**

Сени Лайло десамда агар,  
Ўзгаларга бермасман магар.  
Сен гўзалсан шунчалар қадар,  
Ёнгинамда ўлтирсанг, дилбар.

Кўзларингдир тонгларда ҳулқар,  
Жонларига ўтларни пурқар.  
Бўлар-бўлдинг ҳажрингдан қутқар,  
Ёнгинамда ўлтирсанг, дилбар.

Нозу адо этиб сузилиб,  
Турар бўлсанг кўнгил бузилиб.  
Кетар вақгим, ишқим чўзилиб,  
Ёнгинамда ўлтирсанг, дилбар.

Бошқаларга бермасман магар,  
Сени Лайло десамда агар.  
Ростий учун гўзалсан қамар,  
Ёнгинамда ўлтирсанг, дилбар.

## **СЕНДАМИШ КЎНГИЛ**

Боғларимга тўлдирмай булбул,  
Сени чорлай боғимга, Ойгул.  
Кел-кел гўзал, сочлари сунбул,  
Ихтиёрим сендамиш, кўнгил.

Қучоғимда бир даста гуллар,  
Сени кутар диллар ҳам йўллар.  
Сени қутлар ўнлардир-сўллар,  
Ихтиёрим сендамиш, кўнгил.

Ошиқларни мафтун айлатар,  
Боғларимда булбул сайратар.  
Кел, гўзалим, Ростий яйратар,  
Ихтиёрим сендамиш, кўнгил.

Қошлари ёй, қаро соч-сунбул,  
Ҳажрингдаман сайроқи булбул.  
Асирингмаң бўлайин бир қул,  
Ихтиёрим сендамиш, кўнгил.

## БУ ЖОНИМГА НИМА СИҒМАС

Бу жонимга нима сиғмас,  
Алам-дардни кўнглим йиғмас,  
Ҳасратларим ошиб кетмас,  
Дилим чок-чок этар тиғмас.

Мен шодликни истарман-рост,  
Қадр-қиммат этарман-рост.  
Чин дўстликни улуғ айлар,  
Қуёш каби боқарман-рост.

Даво эрур нури менга,  
Қаро кўзлар қўри менга.  
Тушиб турсин ҳар дам аро,  
Кўз гавҳари нури менга.

Кўнгил, ҳаргиз маҳзун бўлма,  
Ростий, зинҳор дилхун бўлма.  
Сенга ҳақ дўст ҳамкоринг бор,  
Озиб-тўзиб юпун бўлма.



## ЖОНИМ ОТАЖОН

Сиз кўзларим нури, ёруғ-жаҳонимсиз,  
Сиз юрагим қўри, мадор-дармонсиз.  
Сиз кўнгил гурури, шарафим-шонсиз,  
Меҳрибон-қадрдон, жоним отажон.

Сўзлашмоққа ширин тиллар бергансиз,  
Яшамоққа узоқ йиллар бергансиз.  
Инсоний хушфёъл феъллар бергансиз,  
Меҳрибон-қадрдон, жоним отажон.

Боқарман ҳар томон ўнгу сўлимсиз,  
Босган изларим, юрар йўлимсиз.  
Яхшилик ушларда икки қўлимсиз,  
Меҳрибон-қадрдон, жоним отажон.

Мен учун қуёшсиз, олгиндир-бошсиз,  
Мен билан юргувчи, ёнимда ё сиз.  
Рости билан ҳамроҳ, дилда йўлдошсиз,  
Меҳрибон-қадрдон, жоним отажон.

## ЕМ-ХЎРАК ДУНЁ

Кундуз-кечалар тинмай айланар,  
Келди-кетгани билмай айланар.  
Назар-писанд қилмай айланар,  
Безовта, нотинч, жонсарақ дунё.

Олишни билар, қайтишни билмас,  
Ҳақиқатни, рост айтишни билмас.  
Кўнгил тўлиб ҳеч аинишни билмас.  
Мазахурагу ем-хўрак дунё.

Тўғри йўлида ҳаргиз юролмас,  
Кўз-кўзни ўяр, тинч бир туролмас.  
Чапга буралар, ўнга буралмас,  
Ғижир-ғижирлар, чархпалак дунё.

У ёққа чопар, бу ёққа чопар,  
Изғиган бўрон нимани топар.  
Вақт эса зимдан, билдирмай қошар,  
Умр учирар, елвизак дунё.

Кунлар, ой, йиллар, суянган тоғи,  
Янги зотларни кутар қучоғи.  
Ростийни кутар мангу «чорбоғи»,  
Оч кўзи тўлмас, ем-хўрак дунё.

\* \* \*

Тўғри агар босмас экан қадамлар,  
Тинч дунёни нотинч этар одамлар.  
Аҳиликни тилаб, инсофни сўраб,  
Одамларга боқиб турар оламлар.

Ўзал бу оламнинг ўзаллиги рост,  
Сақланар инсонлар билан ҳар дамлар.  
Бўладир ҳақ диллар, кўпайсин бир кун,  
Одамлар кўрмасин сира ситамлар.

Феруза гумбазли осмон тагида,  
Кезадир-камаяр, ғамлар-аламлар.  
Ростий гулға безар оламни дўстлик,  
Дунёни тинч сақлар сахий-ҳотамлар.

## **ШАЙТОНЛИК НИҚОБИНИ...**

Шайтонлик ниқобини кийиб қўйишдан,  
Соҳгадир тилларда дўстни суйишдан.  
Кўнгилда ёмонлик, ҳасад уйишдан,  
Қўрқаман-қўрқаман ўзимдан-ўзим.

Ман-манлаб димоғдор бўлиб кетишдан,  
Ўзгага ногаҳон жабр этишдан.  
Ҳаддорлик йўли билан ният этишдан,  
Қўрқаман-қўрқаман ўзимдан-ўзим.

Зарарим эл-юрт, баъзан тегишдан,  
Мард бўлиб номардга бошни эгишдан.  
Юракка адашиб, ёлғон йиғишдан,  
Кўрқаман-кўрқаман ўзимдан-ўзим.

Хар йўлда саргардон-сарсон юришдан,  
Дунёни баъзида бадбин кўришдан.  
Мақтаниб Ростий кўп лофлар уришдан,  
Кўрқаман-кўрқаман ўзимдан-ўзим.

## **БУ ҲАЁТ ОҚИМИ**

Бу ҳаёт оқими қўлларда яшар,  
Бу ҳаёт оқими чўлларда яшар.  
Бу ҳаёт оқими йўлларда яшар,  
Қизиқ, бир дунёда қизиқ ишлар бор.

Яхшидир-ёмондир, йўлларда кезар,  
Гўзал бир оламда нималар сезар.  
Яхшидир оламда, нималар сезар,  
Қизиқ, бир дунёда қизиқ ишлар бор.

Ошиқлар гўзаллар ҳажрида ёнар,  
Бу дунё шамснинг ўтидан ёнар.  
Асл мард эмасдир, юртидан тонар,  
Қизиқ, бир дунёда қизиқ ишлар бор.

Йўллар йўлларга туташ, замин айланар,  
Фалакда ўт-куёш, чақин айланар.  
Ростий кўзлар кўзга яқин айланар,  
Қизиқ, бир дунёда қизиқ ишлар бор.

## МУНДАРИЖА

Нормурод Нарзуллаев. Камтар шоир ва камтарона шеърлар ...	3
Лайлода бўлмас...	4
Йўлингизга интизор .....	4
Ўлгирай .....	5
Лола янглиғ қирмизинга .....	5
Қуёш, менинг онамсан...	6
Наврўз, сени соғиндим .....	6
Тўхта, болам...	7
Бир қара .....	7
Қани .....	8
«Қаро дейму, қалам қошлар кўзинга...» .....	8
«Қуёш ҳам оламга сочмасди энё...» .....	9
Топар .....	9
Тонгда эсган хушбўй .....	9
Вақт .....	10
Бўлмаса .....	10
Кўймасин .....	11
Тўртликлар .....	11
Тўй ҳақида .....	16
Ёшликни кўмсаб .....	16
Тўртликлар .....	16
Нега бир кам, дейдилар .....	18
Меҳр-оқибат .....	19
Хайр, мактаб .....	19
«Ёшлик пайтига...» .....	20
Раво кўрмадим... .....	20
Билмасак тарихни... .....	21
Саккизлик .....	22
Туюқлар .....	22
Тўртликлар .....	22
Ҳақиқат .....	29
Не учун келдим .....	29
Ҳаёт бундан ҳам .....	30
Яхшилар кўпайса .....	30
Кўнгил кўнгилни топса .....	31

Мен ҳам .....	31
Яхши устига яхши .....	31
Халқ сўзи .....	32
Асли тоза .....	32
Сизда кўрдим .....	32
Сирдарёнинг ўнг юзида .....	33
Баҳор қайтганда .....	33
Равзолар этди .....	34
Васлинг — жамолинг .....	34
Бахтимсан ўзинг .....	35
Қайлардасиз, қайдасиз? .....	35
Кугар эдим .....	36
Замондошим — замондош .....	36
Кўзга сургар юртимсан .....	36
Севганим айтай .....	37
Субҳидам тонгларида .....	37
Гўзалим, ҳажрингда .....	38
Жон ширин, жонон гўзалдир .....	38
Гўзал инсонни топдим .....	38
Ширин сўздан юксак .....	39
Одамлар-ей, одамлар .....	39
«Бирдан ҳаво гулдураб...» .....	40
Даъват .....	40
Ҳаёт кемтик, дейдилар .....	40
Она .....	41
Қарғалар қағиллашар .....	41
Болалигим .....	41
Ботирлар ўлмади .....	41
Ёшлик ва баҳор .....	42
Сир бўйида .....	42
Бобо деҳқон .....	43
«Эй, азиз, мангута бош қўйганлар...» .....	43
«Яратган ҳам, кийгизган ҳам...» .....	43
Тўғри сўзланг .....	43
Ўз ақлидан таъвишда инсон .....	44
Савол .....	44
«Инсоф борми деркан ноинсоф...» .....	45
Она .....	45
Тасаввур .....	46
Ўрикнинг даволиги .....	46
Нега келдим ҳаётга .....	46
Ҳаёт .....	47
Онамга .....	47

Изладим .....	47
Шеър ёзаман .....	48
Қайси маъқул .....	49
Тўртлик .....	49
Хаёллар .....	49
«Подшатада бўлганмисиз...» .....	50
Ундайди юрак .....	50
Сувлар .....	50
Гурумсарой .....	51
Бебаҳо юртим .....	51
Нигоҳлар тўқнашди .....	51
Туюқ .....	52
Дунё мазаси .....	52
Фардлар .....	52
Мен ҳам .....	53
Отам ҳақида .....	54
Саккизлик .....	54
Қанийди курсам .....	55
«Ҳаракатсиз турганда одам...» .....	55
Эй, табиат .....	55
Она заминсан .....	56
Ўзбекнинг бахтиёр ўғлонлари .....	56
Айт .....	57
Чодак таърифи .....	57
Онадан оламга .....	58
Онани зор этманг .....	58
Қайдасан, баҳорим менинг .....	59
Ишқинг ўти .....	60
«Ширин ўйлар-хаёллар, кўриб оласан...» .....	60
Муҳаббатнинг қучоғи .....	61
Яхшилик йўлида .....	61
Она юрт қадрдон .....	62
Ойлар ўша, йиллар ўша .....	62
Олам гўзал .....	63
Айланар кун-кечалар .....	63
«Бир кўриб висолинг, дилбар жонона...» .....	64
«Мен сени нозик ниҳол, шўх гул, дедим...» .....	64
Азиз одамлар .....	65
Мени ... ..	65
Баъзан дунё хира кўринар... ..	66
Меҳри дарё .....	66
«Иссиқ ҳам, совуқ ҳам этар бу дунё...» .....	67
Икки дунё ораси .....	68

Мен дунёнинг уйида .....	68
Олам ичра яшар .....	69
Сен томон юрай, дерман .....	69
Гўзал бир ижод .....	70
«Феъли паст одамни шайтон, дейдилар...» .....	70
Ёнгинамда ўлгирсанг, дилбар .....	71
Сендамиш кўнгил .....	71
Бу жонимга нима сиғмас .....	72
Жоним отажон .....	73
Ем-хўрак дунё .....	73
«Тўғри агар босмас экан қадамлар...» .....	74
Шайтонлик ниқобини... .....	74
Бу ҳаёт оқими .....	75

*Адабий-бадний нашр*

Узоқ Исмоилов

**ҚУЁШ, МЕНИНГ ОНАМСАН**

*Шеърлар*

Муҳаррир Салим АШУРОВ  
Бадний муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ  
Тех.муҳаррир Вера ДЕМЧЕНКО  
Мусаҳҳиҳ Дилрабо МИНГБОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Екатерина НАЗАРОВА

Муқова «Artlob» дизайн марказида тайёрланди

ИБ 3936

Босишга 23.08.2004й.да руҳсат этилди. Бичими 84х108 1/32.  
Босма тобоғи 2,5. Шартли босма тобоғи 4,20.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 203.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.